Гос. Научная палата УзССР

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

25 февраль, сешанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 42 (1559)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 февраль куни Марказий Осиё давлатлари мудофаа вазирларининг учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси мудофаа вазири Игор Родионовни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиб бораётганини қайд этар экан, Россия мудофаа вазирининг ташрифи ушбу алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади. Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини равнақ топтириш бугунги кунда ҳар икки томон манфаатларига мосдир, деди Ўзбекистон Президенти.

Суҳбат чоғида ҳамкорлик муносабатлари, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, қўшни Тожикистондаги сўнгги воқеалар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Владимир Норов, республика мудофаа вазири Рустам Аҳмедов иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ, М. АМИН тасвирга олган.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида 24 февраль куни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида эпидемияга қарши кураш бўйича республика фавқулодда комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда бир қанча вазирликлар, идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда республикада юқумли касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Санитария-эпидемиология хизматларига вилоят ҳокимликлари билан биргаликда шаҳар ва қишлоқларни санитария жиҳатидан тозалаш тадбирларини ўтказиш, республиканинг айрим туманларида ичимлик сув сифатини қаттиқ назорат остига олиш, шунингдек санитария аҳволи қониқарсиз минтақалардан фуқароларнинг чиқиши устидан назоратни кучайтириш топширилди.

Мажлис ишида Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА).

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Фарғона вилоят хотин-қизлар қўмитасининг пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши, ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиши учун барча шароит яратиб берилаётганини таъкидладилар. Она ва бола саломатлигини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса қишлоқда хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, улар ўртасида тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш масалалари пленум иштирокчилари диққат марказида бўлди.

Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова пленумда сўзга чиқди.

Пленумда вилоят ҳокими Н. Мўминов қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

24 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда сиёсий партиялар парламент фракцияларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий судининг раислари, республика Олий хўжалик суди, Ички ишлар, Адлия вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, «Халқ сўзи» -- «Народное слово» газателарининг бош муҳаррири иштирок этдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Ҳ. Халилов олиб борди.

Олий Мажлис Кенгаши Бош прокурор Б. Мустафоевнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 1996 йилги фаолияти тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Масалани муҳокама қилишда Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов, Олий суд раиси У. Мингбоев, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова, Адлия вазири С. Мирсафоев, Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари М. Азимов, Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев, Конституциявий суд раиси Б. Эшонов, Олий Мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси Б. Наимов иштирок этдилар.

Мажлисда прокуратура органлари мамлакат Конституцияси ва қонун ҳужжатларига амал қилиб, инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларининг барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан таъминланишига қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида катта иш олиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама чоғида прокуратура ва бошқа ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг фаоллигини ошириш натижасида қонунлар бузилишига йўл қўяётган ташкилотлар ва шахсларга нисбатан талабчанлик кучайганлигини кўрсатуви аниқ далиллар келтирилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, техникани сақлаш, ер майдонларидан тўғри фойдаланиш ва экинзорларнинг пайҳон қилиниши олдини олиш масалаларига доир қонунларнинг ижросини текшириш самарадорлиги ошди. Иқтисодий соҳада, банк фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилиши, ўғирлик ва талон-тарож натижасида етказилган зарарни ундириш, ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш ва қарзларни узиш, тадбиркорлар ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш борасида прокурор назорати кучайтирилди.

Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, жиноятларнинг очилиши даражасини ошириш, жиноятларнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар кўлами кенгайтирилмоқда. Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятлари ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти прокурор назорати тартибида текширилди, ходимларга нисбатан талабчанлик кучайтирилди.

Шу билан бирга муҳокама иштирокчилари қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар қўйилаётган талабларга ҳали тўла даражада жавоб бера олмаслигини ҳам айтиб ўтдилар. Айрим минтақаларда жиноятчиликка қарши курашда изчиллик етишмайди, қонун ҳужжатлари, хусусан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, молия ва кредит сиёсати масалаларига доир қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга оширишда камчиликлар мавжуд.

Ташқи иқтисодий фаолият ва истеъмол бозорини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини анчагина яхшилаш талаб этилади. Мамлакат ғалла мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирларининг амалга оширилишини назорат қилишни кучайтириш зарур. Жиноятчиликка, айниқса унинг уюшган шаклларига қарши курашни авж олдириш даркор.

Прокуратура фаолиятидаги ана шу ва бошқа камчиликлар ҳамда тегишли тавсиялар мажлисда қабул қилинган қарорга асос бўлди. Қарорда, жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини юридик жиҳатдан ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш прокуратура органларининг, шунингдек ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи бошқа барча органларнинг фаолиятида устувор йўналиш бўлиб қолиши лозимлиги таъкидланди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва прокуратура органлари билан биргаликда фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ва халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорликни яхшилаш топширилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 1996 йилги фаолияти тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди. Бўлиб ўтган фикр алмашинувлардан сўнг ушбу ҳужжатни депутатларга юбориш ва уни ҳисобот тариқасида парламентнинг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲ ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришгани, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлагани, шунингдек ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

КУЗИВАНОВ Анатолий Федорович -- Марказий руда бошқармаси 2-гидрометаллургия заводи тайёр маҳсулотлар цехи бошлиғи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

АНОФРИЧУК Юрий Григорьевич -- Марказий руда бошқармаси «Мурунтов» кони экскаватори экипажи бригадири

ПРОХОРЕНКО Геннадий Алексеевич -- «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари -- Марказий руда бошқармаси директори

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

АЛЕХИН Владимир Александрович -- Жанубий руда бошқармаси мармар қазиб чиқариш ва қайта ишлаш кони тош кесиш машинасининг машинисти

БАБАХОВ Марс Омонжўлович -- Марказий руда бошқармаси электр тармоғи ва подстанциялар цехи электр монтёри

ЗАЙЦЕВ Александр Степанович -- Шимолий руда бошқармаси геотехнологик кони геотехнология қудуқларини қазиш ва таъмирлаш бўйича фойдаланиш участкасидаги бурғулаш қурилмаси машинисти

РИБКОВСКИЙ Владимир Дмитриевич -- Марказий руда бошқармаси 2-гидрометаллургия заводи ишлаб чиқариш бўйича бош муҳандисининг ўринбосари

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН:

БЕЛЕНКО Александр Павлович -- Марказий руда бошқармаси бош геологи

МОРОЗОВ Михаил Петрович -- Шимолий руда бошқармаси гидрометаллургия комплекси бош муҳандисининг ўринбосари

ПОДОСПЕЕВ Станислав Андреевич -- Вазирлар Маҳкамаси Машинасозлик, кимё ва металлургия бўлими мудирининг ўринбосари

СИТЕНКОВ Виктор Николаевич -- Марказий руда бошқармаси бош муҳандиси

ШИШОВ Виктор Васильевич -- «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси қозонхона-пайвандлаш цехи таъмирлаш слесари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

АБЛАЕВ Искендар Шевкетович -- Марказий руда бошқармаси автотранспорт бошқармаси таъмирлаш цехи бошлиғи

БАУТИНА Валентина Николаевна -- Марказий руда бошқармаси темирйўл транспорти бошқармасининг диспетчери

БОЗОРОВ Улуғбек Муҳаммадович -- Марказий руда бошқармаси 2-гидрометаллургия заводи марказий завод лабораторияси технология гуруҳининг раҳбари

ДИРАНОВ Николай Васильевич -- Марказий руда бошқармаси автотранспорт бошқармаси тоғ жинсларини ташиш автомобили ҳайдовчиси

ЕРШИБОЕВ Қимбатбек Жўрабекович -- Марказий руда бошқармаси «Мурунтов» кони бурғи қурилмаси машинисти

КСЕНИЧ Владимир Иванович -- Марказий руда бошқармаси саноат иссиқлик-сув таъминоти ва канализация цехи «Зарафшон» майдончаси участка бошлиғи

МЎМИНОВ Валерий Равшанович -- Навоий кон-металлургия комбинати директорининг шаҳарлардан фойдаланиш ва маиший хизмат бўйича ўринбосари

ТИТОВ Петр Васильевич -- Марказий руда бошқармаси ташқи сув таъминоти бирлашган энергия хизмати технология ускуналарини таъмирлаш бўйича устаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 февраль.

ФАРЗ

ЎЗИНГНИ АНГЛА... Айтишларича, қадим Афинанинг Дельфа ибодатхонасида ёзиғлиқ етти донишманднинг нодир ҳикматларидан бирида шундай сўзлар бор экан. Қизиқ, одамзот бутун умри бўйи Ўзини излайди. Гоҳ топади, гоҳ... Топганларни Ҳақ йўлига йўлдош бўлди, деб қўямиз. Топмаганларни эса адашганлар қаторига қўшамиз.

КЕЧА ВА БУГУННИ ЯШАЁТГАН АДИБ

Бу қутлуғ икки калима сўзни бежиз эсламадим. Чунки шул бетакрор панд замирида дунёи дуннинг сизу биз англаб англолмаган улкан ҳақиқати яширин. Бўлмаса Туркистон осмонида юз ўттиз йилдан кўпроқ вақт оралиғида гоҳ Мағриб, гоҳ Машриқ томон айланиб юрган «қора булутлар» ҳечам осонгина тарқаб кетмас эди. Бизлар одобликни ўзимизча ҳар хил талқин қиламиз. Уларнинг ҳаммасида маълум маънода ҳақиқат бор. Лекин бир нарса аён: У ҳам бўлса, бизлар ниҳоят, ўзимизни англаб етдик. Бунинг исботи...

Ўн беш йилча бурун кичик бир даврада ёниб-ёниб шеър ўқилган ва ўшанда ҳамма тарқалиб кетганидан сўнг, катта шоирларнинг бири «Кимнинг шеърлари ўқилганини биласизларми?» дея ҳаяжон ила сўраган ҳамда ўзи секингина шундай жавоб бергани эсимга тушади: «Чўлпон деган зўр шоир ўтган. Ана шу зотнинг шеърлари булар». Бу кечанинг ҳазин ҳикояси.

Бугун... Чўлпон домланинг иккинчи умри давом этаётир. У сизу биз билан ўзининг озод тупроғида мусаффо ҳаводан нафас олаяпти. Жисму жони чин дунёда бўлсада, юрак изҳорлари бизнинг кўнгил дарёларимизни суғориб турибди. Ҳаммамиз аслида билиб-билмаган ҳолда ул зоти шарифнинг «Кеча ва кундуз» ида яшаяпмиз. Шу боис ҳам, куни кеча ҳукуматимиз «Абдулҳамид Сулаймон ўғли -- Чўлпон таваллудининг. 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Бу халқимизнинг аввало ўз ўтмишига, қолаверса, ўлмас меросига ва қуёш нуридай азиз саналган буюк фарзандига бўлган беназир ҳурмат-эҳтиромидир.

Ажабо, икки дунё саодатига эришган деб шуни айтсалар керак-да. Ниҳоят, Чўлпон домланинг бир умрлик орзуси ушалди: кишан кийган қўллар бугун озод, диллар эркин, эгилган бўйинлар эса тик. Сўзимиз ҳам ўткир, кўзимиз эса нурга тўлуғ. Булар улуғ адибимиз интиқиб кутган ва «Ки сен ҳам ҳур туғулғонсен» дея ҳайқириб айтган ўтлиғ нидосининг акс садоси эмасми?

Қаранг, Чўлпоннинг она юрти -- Андижондан майин-майин насимлар келаётир. Бу насимлар эртага бутун Туркистон бўйлаб таралиб кетмоғи аён. Чунки ўзининг асл фарзандини ардоқлаётган юртда фақат қутлуғ кунлар бўлади.

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН -- ЛИТВА

ДЎСТЛИК МАСОФА БИЛМАЙДИ

Литва Республикаси Президенти Алгирдас Бразаускаснинг Ўзбекистонга расмий ташрифи муваффақиятли якунланди

Дунёнинг турли нуқталарида жойлашган икки мамлакатни нима яқинлаштириши мумкин? Албатта, ўзаро манфаатли алоқалар. Ушбу ташриф давомида зикр этилганидек, Литва Ўзбекистон учун Евроиттифоқ бозорига кўприк вазифасини ўтаса, Ўзбекистон Литва учун Осиё мамлакатлари билан алоқаларда худди шундай вазифани бажаради.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар икки халқ учун мустақиллик истибдод қафасини ёриб чиққан кабутар бўлди. Гарчи Литва мустабид тузум «неъмат»ларини бошқаларга нисбатан камроқ кўрган бўлсада, бироқ қарамликда ўтган давр воқеаларини эслаш Литва халқи учун ҳам оғир. Уша вақтларда мамлакат шўролар иттифоқининг саноати ривожланган республикаларидан бири эди. Литвада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса собиқ иттифоқнинг улкан эҳтиёжлари йўлида фойдаланилганлигини яхши биламиз. Маълумки, 90-йиллар боши зулм салтанатининг, шўролар тузумининг интиҳоси бўлди. Шундан сўнг, Литва Ўзбекистон каби мустақил тараққиёт йўлини танлади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йилнинг ёзида Литвага қилган давлат ташрифи икки республика ўртасидаги ҳамкорликка ҳуқуқий асос солди. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Литва алоқалари барқарор тус олмоқда. Жумладан, 1996 йилда ўзаро товар айрибошлаш кўрсаткичи 1995 йилга нисбатан икки баробар ошди. Айни дамда юртимизда кўплаб Ўзбекистон -- Литва қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Аммо бу оҳирги манзил эмас. Зеро, бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжуд.

Литва Президентининг мамлакатимиздаги ушбу ташрифи мобайнида бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида юртбошимиз И. Каримов ҳам бу хусусда гапирди. Жумладан, Президентимиз енгил ва озиқ-овқат саноати, тўқимачилик ҳамда ёғочни қайта ишлаш соҳаларида қўшма лойиҳаларни ишга тушириш ва бу борада узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатиш ҳар икки томон учун ҳам истиқболли эканлигини таъкидлади. Президент Алгирдас Бразаускас Ўзбекистон Литванинг Марказий Осиёдаги энг йирик ҳамкори бўлиб келган ва шундай бўлиб қолишини эътироф этиб, мамлакатимиз раҳбарининг қўшма ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш хусусидаги таклифларини қўллаб-қувватлади. Маълумки, ҳозирги кунда Литва Европа тузилмалари ва НАТО билан интеграциялашув йўлида ҳаракат қилмоқда. Мамлакатимиз Президенти литваликларнинг ушбу саъйи-ҳаракатларига катта рағбат билдирди.

Мазкур ташриф давомида ўзаро алоқаларни ривожлантиришга қаратилган кўплаб ҳужжатлар имзоланди. Ислом Каримов ва Алгирдас Бразаускас Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Литва Республикаси Президенти учрашувлари якунлари бўйича қўшма баёнотларга имзо чекдилар. Айниқса, Ўзбекистон ҳукумати билан Литва ҳукумати ўртасида автомобиль транспортида халқаро йўловчи ва юк ташиш тўғрисидаги, темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси юкларини Клайпед порти орқали ташиш учун транспорт ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳақидаги битимларнинг имзолангани мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд алоқаларга янгича руҳ бағишлайди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномаларда ҳам ўзаро ҳамкорликнинг турли қирралари кафолатланган.

Ушбу мулоқотлар чоғида ҳар икки мамлакат ҳам бир-бирига нуфузли шерик эканлиги алоҳида қайд этилди. Сир эмас, бугунги кунда мамлакатимиз ўз имкониятлари ва салоҳияти жиҳатидан ажралиб турадиган Европа давлатлари билан алоқаларга алоҳида аҳамият бермоқда. Бунинг сабабларини ҳижжалаб тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Шу маънода жуғрофий жиҳатдан қулай ўринда жойлашган ва йирик иқтисодий ҳудудга олиб чиқувчи Литва билан дўстона муносабатларни ривожлантиришдан манфаатлимиз.

Айтмоқчимизки, ўз маҳсулотларимизни Европа бозорига чиқаришда Литва портлари муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида литваликлар ҳам бундай ҳамкорликдан манфаатдор. Негаки, ушбу ташриф мулоқотларида зикр этилганидек, уларга ҳам Ўзбекистон каби ишончли мижоз керак. Қолаверса, бугун иқтисодий ва молиявий салоҳият жиҳатидан мамлакатимиз яхши шерик эканлиги ҳаммага аён. Масаланинг яна бир томони шундаки, ҳозирда Литванинг енгил саноатга ихтисослаштирилган корхоналари Ўзбекистон пахтасига катта эҳтиёж сезмоқда. Сирасини айтганда, Ўзбекистон ва Литва муносабатлари икки халқ манфаатларига мос тушади. Қолаверса, енгил ва озиқ-овқат саноати, тўқимачилик ҳамда ёғочни қайта ишлаш соҳаларидаги ҳамкорликнинг амалий натижалари ҳам яқин кунларда кўзга ташланиб қолади. Зеро, юртимиздаги осойишталик ва барқарорлик шимолдаги ҳамкорларимизга бу борада катта имкониятлар яратади.

Литва Президенти Алгирдас Бразаускаснинг ўзаро ҳурмат руҳида ўтган ушбу расмий ташрифини мамлакатларимиз ўртасидаги азалий дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам сифатида баҳоламоқ лозим. Унда эришилган аҳдномалар эса ўзаро манфаатли муносабатларимизнинг истиқболи порлоқ эканига қатъий ишонч уйғотади.

Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР БОШЛАНДИ

24 февраль куни Тошкентда «Оммавий ахборот воситалари ва миллий тараққиёт» мавзуида халқаро семинар бошланди. Икки кун давом этадиган мазкур анжуман ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Малайзиянинг халқаро ахборот воситаларини тадқиқ қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуманда ЮНЕСКО ҳамда бошқа халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари, Малайзия халқаро ахборот воситаларини тадқиқ қилиш маркази мутахассислари, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этмоқда.

Анжуманда ўзбекистонлик ва малайзиялик мутахассислар ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, матбуот ва демократия, оммавий ахборот воситаларининг миллий тараққиёт ҳамда жамиятни демократлаштиришдаги ўрни хусусида ўзаро фикр алмашдилар. Шунингдек, матбуотнинг жамиятдаги ролини кучайтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган масалалар муҳокама этилди.

Семинар ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзА).

АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ФЕРМЕР!

ПАЙЧИЛАРНИНГ МЎМАЙ ДИВИДЕНТИ

Касби туманидаги Шароф Рашидов номли жамоа-ширкат хўжалиги ўтган йили ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди. Мулк шакли ўзгаргач, меҳнатга муносабат ҳам ўзгарди, моддий манфаатдорлик эса ошди.

Иқтисодий ислоҳотлар бошланганига тўрт йилдан ошди. Лекин қишлоқда унинг самараси ҳамма жойда ҳали бирдек бўлмаяпти. Хомашё, ноз-неъматлар етиштираётган кишилар билан қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги тафовут тобора кўзга яққол ташланиб қолаётир.

Шароф Рашидов номли жамоа-ширкат хўжалигида янгича иш услуби жорий этилишидан бош мақсад ҳам ана шу муаммоларга барҳам бериш, инсон манфаати учун фойдали мезон яратиш эди.

Хўжалик ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, деҳқончиликда бригада пудрати усули шундайлигича қолдирилди. Жамиятнинг ҳар бир ишловчиси учун махсус дафтарчалар (сертификат) жорий этилди. Хўжаликни қайта ташкил этиш комиссияси тузилиб, барча асосий воситалар рўйхатга олиб чиқилди ва баҳоланди.

Хўжалик аъзоларининг энг юқори иш стажи 21 йил деб, белгиланди. Кейинги беш йил мобайнида олган иш ҳақлари ҳисоблаб, ўртача миқдори аниқланди. Шу тариқа унинг хўжалик тараққиётига қўшган ҳиссаси белгиланди.

-- Мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг низомини деҳқонларимиз ҳам, чорвадорлар ҳам дастлаб «қоғоз»да қолиб кетадиган навбатдаги тадбир сифатида қабул қилишганди, -- дейди ҳиссадорлик жамияти раиси А. Чориев. -- Лекин йил охирида, ҳар бир пайчи ўзига тегишли дивидентни олгандан сўнг бу усулга қизиқиб қолишди.

Хўжалик пахта, дон ва бошқа турдаги маҳсулотлар етиштиришдан 24,5 миллион сўм соф фойда олди, рентабеллик 22,6 фоизга етди. Масалан, бригада бошлиғи Ғайбулло Раҳмонов 93,4 минг, Шароф Нашванов 82,3 минг, ҳайдовчи Баҳром Қурбонов 86,9 минг сўмдан дивидент олишди.

Жамоа-ширкат хўжалиги пайтида ишловчилар йил охирида орттирилган фойданинг бир қисмини мукофот тариқасида олишарди. Энди-ликда ҳар бир киши қўшган ҳиссасига қараб пай улуши -- дивидент олаяпти.

Кўпгина хўжаликларда ишлаб чиқариш режалари бажарилаётган бўлса-да, иқтисодий кўрсаткичлар ночорлигича қолаётган бир пайтда Ш. Рашидов номли ҳиссадорлик жамиятида йил каттагина иқтисодий самара билан якунланди.

-- Мавжуд 3.300 гектар сувли майдоннинг 1.900 гектарида пахта, 950 гектарида ғалла, 20 гектар ерда полиз ва сабзавот етиштирамиз, -- дейди раис. -- Деҳқончиликда бригада пудрати усулида иш юритилади. Ҳар бир бригаданинг ҳиссадорлик жамияти марказий ҳисобхонасида жорий ҳисоби очилган. Барча сарф-харажатлар бригада бошлиғининг қўлидаги ҳисоб-китоб дафтарчасига қайд этиб борилади. Дафтарчада қанча маҳсулот етиштиришдан тортиб, қанча ойлик маош олишгача, ўғит, техника харажатлари акс этган.

Ғалла, сабзавот ва полизчиликка ихтисослашган бригада деҳқонлари шартнома асосида белгиланган ҳосилнинг бир қисмини ўзларида қолдиришади. Масалан, ғаллачиликда ҳар гектар ердан ўртача 35 центнердан ҳосил кўтариш учун шартнома тузилган бўлса, ундан юқори олинган ғалланинг ҳаммаси деҳқоннинг ўзида қолдирилади.

Ана шу тартиб-қоида самараси ўлароқ, 3 гектар ерга пиёз эккан Тўймурод Носиров, Ўктам Йўлдошев оилавий звеноси ҳар гектар ердан 45--50 тоннадан пиёз йиғиб олди. Ҳосилнинг 60 тоннаси ҳиссадорлар мулки, қолганлари эса деҳқон улуши сифатида қайд этилди.

Пахтачиликда бундай қилиб бўлмайди. Шунинг учун пахтакорлар учун алоҳида меҳнат ҳақи тўлаш тартиби жорий этилган.

1996 йили ҳар гектар ердан 30,7 центнердан пахта, 36,6 центнердан ғалла олинди. Даромаднинг асосий қисми ҳам шу икки экин турида бўлаяпти. Чорвачиликдан қарийб 300 минг сўм фойда олинди.

Хўжалик ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, асосий эътибор тежамкорликка қаратилди. Хўжаликка келтирилаётган эҳтиёт қисмлар, сир эмас, 3-4 қўлдан ўтади. Табиийки, ҳар ким ўз устама фоизини қўяди. Ана шу устама нархларга барҳам бериш учун бевосита корхоналарнинг ўзи билан шартнома тузилаяпти. Маъдан ўғитлар ҳам тўғридан-тўғри саноат корхоналарининг ўзи билан тузилган шартномалар асосида олинмоқда. Ана шу икки жараённинг ўзидан ҳиссадорлар ўтган йили 20 миллион сўмга яқин маблағни тежаб қолишди.

Экинзорларнинг бир қисмига насослар ёрдамида сув чиқарилади. 8 та насоснинг 6 таси ёқилғидан электр қуввати билан ишлашга ўтказилди. Мана шу жараён ҳам хўжаликнинг 2 миллион сўмини иқтисод қилиб қолиш имконини берди.

Ишлатилган, чиқит темир-терсакларни топширишдан ҳам ҳиссадорлар 200 минг сўм даромад қилдилар. Улар топширилган 5 тонна металл ўрнига турли қувурлар, арматура ва ҳар хил темир буюмлар олишди.

Тадбиркорликка ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Йилига 3 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод, кулолчилик, темирчилик цехи, керамзит ғишт ишлаб чиқарадиган цех, гиламчилик, бичиш-тикиш цехлари ишлаб турипти.

Ҳиссадорлар Қашқадарёнинг чап ирмоғидаги жарликни янада кенгайтиришиб, умумий сатҳи бир гектарлик кўл барпо этишди, балиқчилик хўжалиги тузишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмаёқ, луқмаи ҳалолнинг бозори чаққон бўлиб қолди. Балиқчилар ўтган йилни 120 минг сўм соф фойда билан якунлашди...

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ғаллаорол туманидаги «Лалмикор» нефть маҳсулотлари таъминоти базасида ишлаб чиқариш сурьатлари кун сайин ортиб бормоқда. Сабаби оддий: бу ерда унумли меҳнат қилиш учун шароит етарли. Жамоа аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

СУРАТДА: насос агрегатлари оператори Ботир Муродов иш пайтида.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Избоскан туманидаги бизнес мактаби ўқувчилари ва ўқитувчилари хайрли ташаббус бошлади. Мактаб жамоаси бир кунлик иш ҳақи ҳамда шанбаликдан тушадиган маблағни туман «Маънавият ва маърифат» марказа ҳисоб рақамига ўтказишга қарор қилди. Бўлажак бизнесменлар ва уларнинг мураббийлари бошлаган ташаббусни туман меҳнат жамоалари ва ўқув юртлари қўллаб-қувватлади.

(ЎзА).

ТАДБИРКОРЛИК

ЭНДИ ТЕХНИКА «ҚАРИМАЙДИ»

Сирдарё вилояти «Агромаштехсервис» хизмати жамоаси кузги-қишки мавсумда яроқсизлиги учун ишдан чиқди, деб ташлаб юборилаётган 98 та экиш агрегати, 90 та культиватор, 182 та прицеп, 72 та чизелни қайта тиклади. Энди улар яп-янги бўлиб қолди, десак муболаға эмас. Чунки, энг асосий қисмлари бутунлай янгиланди-да. Эскиси тўлиқ қайта тамирлангани боис хўжаликлар баҳоси фалон сўмлик янги техника сотиб олиш савдосидан қутилишди ва 170 миллион сўм маблағ тежалди.

Эски шуҳратни тиклаш учун машина-трактор саройлари қайта таъмирланиб, техника ва агрегатларга самарали хизмат кўрсатиш йўл-йўриқлари қидирилмоқда.

А. ЯХШИЛИҚОВ,
А. ХОНИМҚУЛОВ.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

ДАСТЛАБКИ ЮКСАЛИШ

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси раҳбари Хассо Молинеус маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказган матбуот анжуманида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнига юксак баҳо берди.

Анжуман Жаҳон банки тайёрлаган йиллик ҳисоботга бағишланди. Асосан Шарқий Европа, Хитой, Вьетнам ҳамда МДҲ давлатлари иқтисодиётидаги ислоҳотлар жараёнига бағишланган бу ҳужжатда Ўзбекистон халқ хўжалигида кечаётган жараёнларга ҳам кенг ўрин берилган.

-- Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаган Ўзбекистон бу борада катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда, -- деди Х. Молинеус.— Ўтган йили мамлакатда саноат ишлаб чиқарилишининг сезиларли ўсиши қайд этилди, молиявий соҳа ҳам бошқа қўшни давлатлардагига нисбатан анча барқарордир. Хусусий секторнинг мамлакат иқтисодиётидаги мавқеи тобора ортиб бораётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусий секторга, айниқса кичик бизнесга бозор шароитида самарали фаолият кўрсатиш учун ҳукумат томонидан керакли шароит, енгилликлар яратилган. Буларнинг барчаси Ўзбекистон жорий йилда ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритишидан далолатдир.

Матбуот конференциясида Ўзбекистоннинг мазкур халқаро молиявий ташкилот билан ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётгани таъкидланди. Хусусан Жаҳон банки бозор ислоҳотларини амалга оширишда Ўзбекистонга кўмаклашиш мақсадида, умумий миқдори 252 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бир қанча лойиҳа ишлаб чиқди.

«ЎзДЭУавто» БУЮРТМАСИ АСОСИДА

«Ўзтемирйўлтаъмирмаш» республика бирлашмасига қарашли Андижондаги механика заводининг Пахтаобод бўлими жамоаси Асака автомобилсозларига «Тико», «Нексия» автомобиллари ва «Дамас» микроавтобусларини ташиш учун йигирмата махсус вагон етказиб берди.

«ЎзДЭУавто» ишлаб чиқараётган машиналарни ташиш учун Финляндия вагонлари унча қулай эмас -- унга «Дамас» микроавтобуси гилдиракларининг дами чиқарилсагина жойлашади. Пахтаободда тайёрланган вагонларга эса «ЎзДЭУавто» мутахассислари юқори баҳо бердилар, чунки улар микроавтобусларнинг баландлигини ҳисобга олиб ясалган. Бу вагонларда қўшма корхонада тайёрланаётган барча турдаги машиналарни ташиш мумкин.

Пахтаободлик машинасозлар вагонларни ишлаб чиқариш учун зарур деталлар ва узелларни Андижон механика заводидан узлуксиз олиб туришибди, бу эса автомобилсозлар буюртмаларини муддатида бажаришга имкон беради. Шартномага мувофиқ машинасозлар шу йилнинг биринчи чорагида автомобиль заводига 55 та махсус вагон етказиб берадилар.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

Мустақиллик туфайли дунё бизни, биз эса дунёни танидик. Эрк ёғдуси дилимизни нурафшон қилди. Фикрлашда теранлик, муносабат билдиришда холислик, хулоса чиқаришда одиллик йўлини танладик. Энг муҳими, яшаш, ишлаш, ўқиш, саломатликни сақлаш, уйли-жойли бўлиш, фарзанд тарбиялаш, оила боқиш сингари ҳуқуқлардан ташқари инсоннинг яна бошқа юзлаб, минглаб ҳуқуқлари борлигини англаб етдик. Дунёда бизнинг бу ҳуқуқларимизни ҳимоя қиладиган «Хьюман райтс вотч», «Фридом хаус», давлат департаменти, Халқаро матбуот институти, «Карнеги индомент» деган катта-кичик ташкилотлар ҳам борлигини билдик. Дунёни таниш қандай яхши.

Мен истиқлолга эришганимиздан бери жаҳондаги йирик радиостанцияларни эшитаман. Бу маълум даражада дунёни танишимга ёрдам берди. Лекин дунё бизни қандай воситалар орқали таниятпи? Бунинг оммавий ахборот воситаларидан бошқа йўллари ҳам борми? Бор. Бўлганда ҳам жуда кўп. Масалан, шу воситалардан биттаси -- юқорида биз номларини тилга олган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотларининг йиллик ҳисоботлари. Уларнинг ҳисоботларини чет эл радиолари орқали ҳар йили эшитаман. Эшитиб баъзан ажабланаман: бир қолипдаги хулосалар. Илгари собиқ СССР пайтида қандай тамға босилган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай: яъни, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузиляпти, лекин маҳаллий матбуот бу ҳақда ҳеч нарса ёзмаяпти. Эҳтимол бу борада камчиликларимиз бордир, бироқ хулоса чиқаришда масалага бир томонлама ёндашмаслик керак.

Агар очиғини айтадиган бўлсак, ҳамма гап биздаги камчиликлар қандай мезонлар билан ўлчанаётганлигида ва масалага қай тарзда ёндошилаётганлигида. Бизда иқтисодий қийинчиликлар борми, бор, бу ҳақда давлат раҳбари ҳам, бошқалар ҳам очиқ гапиришяпти, матбуот очиқ-ойдин ёзяпти. Ишсизлик, сансалорлик, қонунбузарлик, каттага ҳурматсизлик, маънавиятсизлик, тўғриси, бирор кун йўқки, ўзбек матбуоти бундай иллатлар ҳақида ёзмаган бўлсин. Ҳеч ким улар ҳақида ёзишни ман қилаётгани йўқ. Хуллас, инсоннинг қонунда белгилаб берилган яшаш, ишлаш, ўқиш, ҳимояланиш, сайлаш, сайланиш, эътиқод эркинликларига нималар тўсқинлик қилаётган бўлса, ҳаммаси ҳақида очиқ ёзиляпти. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг йиллик ҳисоботларида эса булар ҳақида гап йўқ.

Хорижнинг йирик радиостанциялари икки ойдан бери ана шу ҳисоботларни қизғин шарҳлашяпти. Шов-шувга ўч журналистлар деярли ҳар куни битта гапни такрорлашади: «Марказий Осиё давлатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузиляпти!» Мунозарани битта журналист бошлаб беради, у ёғини хорижга кетиб қолган уч-тўрт киши давом эттиради. Асосан учта радиостанция орқали навбат билан такрор-такрор, баъзан кунаро, баъзан тўрт-беш кун оралатиб сўзга чиқишади. Ойлар давомида ҳадеб битта гап атрофида чайналишади. Аслида бу гап ҳар биттаси томонидан бир йилда 50--60 марта айтилади. Фақат ўзларигагина эмас, ҳатто тингловчиларга ҳам ёд бўлиб кетган бу гаплар.

Хўш, бу сафар радиостанциялар ва уларнинг доимий муаллифлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари йиллик ҳисоботларидаги қайси жиҳатлар устида икки ойдан бери эзмалик қилишяпти?! Инсоннинг мингта ҳуқуқидан қайси бири поймол қилиняпти? Биз қайта-қайта ўқиб эшиттирилган ҳисоботлардаги айрим жумлаларни яхши эслаб қолдик. Жумладан, бир жойида инсон ҳуқуқларининг ҳукумат томонидан ҳурмат қилиниши борасида «қатор жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда» дейилади-да, «фуқароларнинг ҳукуматни тинч йўл орқали алмаштириш» имкони берилмаётгани муаммо қилиб кўрсатилади. Ўринли савол туғилади: биринчидан, ҳукуматни тинч йўл билан алмаштириш ким учун ва нима учун жиддий муаммо бўлиб қолди, иккинчидан, бундан кимнинг ва қайси инсоннинг қандай ҳуқуқи бузиляпти? Эҳтимол, бутун Ўзбекистон аҳолиси номидан гапиришни кимдир ўзига бир минг биринчи «ҳуқуқ» қилиб олгандир?

Инсон ҳуқуқлари бўйича тайёрланган йиллик ҳисоботда Ўзбекистонда кундалик турмушда хотин-қизларни камситиш ҳоллари мавжудлиги айтилган. Жумладан, ҳисоботда шундай дейилган: «Гарчи маҳаллий фаоллар бу ҳақда статистик маълумотларга эга бўлмасаларда, оилада хотин-қизларни хўрлаш кенг тарқалган ва хотинини уришга жиноий ҳаракат сифатида эмас, балки оиланинг ички иши деб қаралади ва шу боис бундай воқеалар камдан-кам ҳолда судгача етиб келади». Шубҳасиз, бу жумлани ўқиш ёки эшитиш эркаклар тугул аёлларга ҳам эриш ва ғайри-табиий туюлса керак. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларига беихтиёр шундай дегимиз келади: «Жаноблар, ҳамма нарса судда ҳал қилинаверса, унда турмуш бўладими, бизда қариндош-уруғ ва маҳалла деган ҳакамлар бор?» Оммавий ахборот воситаларининг ёзишларига қараганда, инсон ҳуқуқлари ҳимояланган деб ҳисобланган ғарбнинг тараққий этган давлатларида бугунги кунда эрхотиннинг ажралиб кетиши рўйхатга олинаётган никоҳларга нисбатан 80--90 фоизга етган. Россиянинг айрим шаҳарларида эса янги никоҳлар билан ажралишлар деярли тенглашиб қолган. Бу ўша судлаша беришнинг оқибати эмасмикан?

Умуман, бизнинг шарқда оила муқаддас саналади. Эр-хотиннинг муносабати енгилтаклик билан ҳал қилинмайди.

Бу жараён шарқона маънавият ҳукмида, Унга ҳеч қандай ҳисобот-у тазйиқлар билан таъсир ўтказиб бўлмайди. Оила мустаҳкам бўлсагина жамият мустаҳкам бўлади. Никоҳсиз турмуш қуриш, бунда ота-она розилигини олмаслик, фарзанд кўрмаслик йўлини ахтариш, эрким ўзимда деб кўча-куйда ва жамоат жойларида ўпишиш, қучоқлашиш, ўғ латифалар айтиш, фоҳишаликни турмуш тарзига ва даромад манбаига айлантириш шарқона маънавиятга бутунлай ёт. Шарқ аёлларига бундай ҳақ-ҳуқуқнинг кераги йўқ.

Билиб-билмай бировнинг ҳаётига аралашишдан ва бировнинг устидан ҳукм чиқаришдан ёмони йўқ. Ҳисоботнинг 5-бўлимида ўзбек аёлининг кундалик ҳаётдаги ҳуқуқлари кескин чеклаб қўйилганлигидан оҳ-воҳ қилинади. Яъни, ҳисобот муаллифлари «қизлар 20 га етмай турмушга узатиладилар, кўплаб бола туғадилар ва ўз ҳаётларини рўзғор ишлари билан ўтказадилар», деб гўё ўзларича катта бир «сирни ошкор» қилмоқчи бўладилар. Агар 18--20 ёшда турмуш қуришса -- бахтини топишсин, худо берса -- фарзанд кўришсин, эрлари топиб етказиб турса -- рўзғор ишларида банд бўлишсин. Аёл учун бундан ортиқ бахт борми? Айтгандай, парламентда, ҳукуматда, ҳокимликлар ва вазирликларда, турли давлат идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаётган ўзбек аёллари ҳам бундай бахтдан маҳрум эмаслар.

Энди қизларнинг 20 ёшга етмай турмушга чиқаётганлигига келсак, бу масалада ғарбнинг тараққий этган давлатларидаги қизлар ўзларининг Марказий Осиёдаги, хусусан, Ўзбекистондаги дугоналарини орқада қолдириб кетганлиги аниқ. Ҳисоботда қайд этиш учун бу ҳақда 1997 йилнинг охиригача маълумот тўплаш шарт эмас. Чунки оммавий ахборот воситалари Европадаги аксарият давлатларда 15--16 ёшда фарзанд кўраётган қизлар кўпайиб бораётганлиги ҳақида тинимсиз ёзишяпти. Яқинда Россия жамоат телевидениесининг «Менинг оилам» кўрсатувига бундай оилалардан бир нечтаси таклиф қилинди. Ҳатто чақалоғини қўлида ушлаб ўтирган 14 яшар она билан суҳбат ҳам берилди. Европанинг бошқа давлатларида ҳам бундай мисоллар кўплигини газеталардан ўқияпмиз. Биз буни оқламоқчи эмасмиз, йўқ, устимиздан кулмоқчи бўлган ғарблик билагонларга эслатиб ўтмоқчимиз, холос. Йигирма яшар қизнинг ҳуқуқи қаёқда-ю ўн уч-ўн тўрт яшар қизчанинг ҳуқуқи қаёқда?

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар тайёрлаган ҳисоботни муҳокама қилишда қатнашиш имкониятидан айрим муҳолифотчилар ўзларининг ғаразли ниятлари йўлида фойдаланмоқдалар. Яъни, ҳисоботдаги у ёки бу хулосага муносабат билдириш ўрнига Ватанига, халқига, ҳамкасбларига такаббурлик билан тош отмоқдалар. Ана шундайлардан бири гоҳ «матбуот, телевидение, радио, бутун расмий ва норасмий маддоҳларнинг сайрашларига қарамай» деб Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситаларини ҳақорат қилса, гоҳ «бир пайтлар халқ наздида ҳақли равишда мўътабар бўлган шоир ва адабиётчилар энди ўз обрўсини йўқотмоқда», деб манманлик билан ҳукм чиқаради. Аламзада суҳбатдошини асосий мақсадга йўналтириб туриши зарур бўлган журналист эса қутилмаганда касб одоби чегарасидан чиқиб: «Демократия ёмон отлиққа чиқарилганда ҳам у деярли индамади ва бугун унинг акси гапирилаётганда ҳам у жим. Ўз тақдирига ўзи ана шундай лоқайд ва масъулиятсиз омма билан Ўзбекистонда яқин орада жиддий ўзгариш қилиш мумкинлигига умуман ишонасизми?» деб игвогарлик билан савол беради. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида тинимсиз сафсата сотаётганлар ўзларининг ана шундай кескин гаплари билан бутун бир давлатнинг матбуоти, зиёлилари ва халқининг шаънини ҳақорат қилишмаяптимикан? Бу ҳуқуқни камситиш эмасми? Ёки бу ғарбча эркинликми?

Ҳисоботларда, шарҳларда, суҳбатларда Ўзбекистонда зиёлилар, хусусан, журналистлар таъқиб қилинаётганлиги, ҳатто номаълум кишилар томонидан ўлдирилаётганлиги ҳақида кўп гапирилади. Бунга мисол қилиб бир йилдан бери тинимсиз равишда Сергей Гребенюкнинг номи тилга олинади. Бир сафар «қатл қилинди», кейингисида «ўлдирилди», учинчисида «сувга чўктирилди», тўртинчисида янада ваҳималироқ сўзни ишлатиб тилга олишади. Венадаги Халқаро матбуот институтининг шу йил январь ойида эълон қилинган хулосасида эса шундай дейилади: «1996 йил давомида Русияда камида 7 журналист, Тожикистон билан Ўзбекистоннинг ҳар бирида биттадан журналист ўлдирилган». Бу ерда Гребенюк назарда тутилаяпти. Маълумки, журналист Сергей Гребенюк 1996 йилнинг февраль ойида кечаси акасиникидан маст ҳолда чиқиб, қоронғида катта ариққа тушиб кетиб ҳалок бўлган. Суд-медицина текширувида Россиянинг Тошкентдаги элчихонаси масъул ходимлари ҳам иштирок этишган. Ўша пайтдаёқ жаҳондаги барча йирик радиостанциялар, ахборот агентликлари, газеталар бу ҳақда аниқ хабарлар беришган. Ўлган одамнинг руҳини безовта қилиш орқали Ўзбекистонда журналистларнинг ҳақ-ҳуқуқлари камситилаётганлигини исботламоқчи бўлганлар уйдирма билан мақсадга эришиб бўлмаслигини наҳотки тушунишмаса?!

Хуллас, хорижнинг радиотўлқинларида шов-шув кўтараётганлар битта нарсани— ҳукуматни камситишни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйишган. Баъзи «зот»лар эса бу йўлда ҳатто Ватан ва миллат шаънига доғ туширишга ҳам тайёрлар. Бунда улар мақсадга эришиш учун ҳамма воситалар яхши деган ақидага амал қилишяпти ва масалага атайлаб ғарбча ҳаёт мезонларидан келиб чиқиб ёндошмоқдалар. Бу бизга ғарб демократиясини тиқиштираётган кучларга жуда қўл келяпти.

Шарқона ҳаёт тарзимиз устидан ғарбча демократия мезонлари асосида ҳукм чиқаришга уриниш ҳаракатлари фақатгина Марказий Осиёдаги давлатларга нисбатан бўлаётгани йўқ, албатта. Ер юзининг бошқа минтақаларида ҳам турли халқларнинг турмуш тарзларига, миллий анъаналари ва маънавий меросларига сурбетлик билан аралашиш ҳамда ғарб демократиясини сунъий равишда тиқиштириш юзасидан тазйиқлар бўлиб турибди. Ўтган йили Таиланднинг пойтахти Бангкокда 10 та Осиё ва 15 та Европа давлатлари раҳбарлари иштирокида бир анжуман бўлиб ўтди. Анжуман аслида савдо, сармоя ажратиш, сиёсат, хавфсизлик масалаларига бағишланган бўлса-да, ғарб демократиясининг инсон ҳуқуқлари деб аталмиш ғояси осиёлик давлат ва ҳукумат раҳбарларини соядек таъқиб қилди. Бироқ осиёлик раҳбарлар ҳам оғизларини очиб андиша қилиб ўтиришмади. Улар анжумандагина эмас, балки мухбирлар билан суҳбатларида ҳам ўз фикрларини очиқ баён қилишди. Жумладан, Малайзия бош вазири Махатир Муҳаммад Би-Би-Си радиоси мухбирига шундай деди: «Биз европаликлардан демократия ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида ошиб-тошиб кетадиган даражада эшитдик. Агар жамиятимиз уларнинг стандартлари бўйича белгиланган йўлдан бормаса, бизга иқтисодий чоралар кўриш билан дағдаға қилишди. Менимча, бу масалалар юзасидан ўзимизнинг қарашимизни очиқ айтишнинг вақти келди».

Шарқ фалсафасининг гўзаллиги шундаки, фикр эркинлиги деган тушунча одоб доирасида гапириш мумкин, деган маънони англатади. Фикр баён қилганда чуқур мулоҳаза билан ҳеч кимни, ҳеч бир миллатни ва унинг миллий қадриятларини, ҳеч бир давлатни ва ундаги тартиб-қоидаларни камситмай, ҳеч кимнинг шахсиятига тегмай ва ҳеч кимнинг устидан кулмай ҳар бир сўзни андиша билан ўз ўрнида ишлатиш зарур. Бу шарқона ҳаёт мезони, демак, шарқона демократия. Унинг устидан бошқа ўлчовлар билан ҳукм чиқаришнинг ўзи турли халқлар ҳуқуқларининг камситилишидир.

Иброҳим НОРМАТОВ.

Инсон ҳуқуқлари: миллатлар, миллий қадриятлар, анъаналар кўп, бироқ уларни англашда ўлчов битта, шу тўғрими?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 25 февралдан бошлаб ҳисоб ва бюджетга тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

1 Австралия доллари	44,35
1 Австрия шиллинги	4,83
1 Англия фунт стерлинги	92,75
10 Бельгия франки	16,51
1 Голландия гульдени	30,31
10 Греция драхмаси	2,17
1 Дания кронаси	8,93
1 БАА дирхами	15,55
1 АҚШ доллари	57,11
1 Миср фунти	16,86
1 Ирландия фунти	90,01
1 Исландия кронаси	0,81
10 Испания песети	4,03
100 Италия лирасы	3,43
1 Канада доллари	41,88
1 Хитой юани	6,89
1 Кувайт динори	188,23
100 Ливан фунти	3,70
1 Малайзия ринггити	23,06
1 Германия маркаси	34,06
1 Норвегия кронаси	8,52
1 Польша злотийси	18,76
10 Португалия эскудоси	3,37
1 Сингапур доллари	40,13
1000 Туркия лирасы	0,47
1 Финляндия маркаси	11,40
1 Франция франки	10,09
1 Швеция кронаси	7,75
1 Швейцария франки	39,09
1 ЭКЮ	65,71
10 Жанубий Корея вони	0,66
10 Япония иенаси	4,65
1000 Россия рубли	10,08
1 Украина гривнаси	32,36
1000 Беларусь рубли	2,53
1 Эстония кронаси	4,51
1 Латвия лати	98,30
1 Литва литти	14,28
1 Қозоғистон тенгеси	0,76
1 Қирғизистон somи	3,34

*) валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ХЎЖАЛИК СУДИ: МУҲИМИ – ҚАРОРЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИДИР

Мустақил Ўзбекистон Республикаси нисбатан қисқа вақт ичида жамиятнинг кўп тармоқли инфраструктурасини барпо этиш борасида улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Халқнинг миллий ва маданий анъаналарига мос келадиган халқ ҳокимиятининг демократик тамойиллари амалга оширилмоқда. Мамлакат Конституциясига тўла мувофиқ равишда бозор иқтисодиётига ўтишнинг мисли кўрилмаган даражадаги босқичма-босқич даврига кириб борилмоқда. Бу жараёнда янги сиёсий ва ҳуқуқий тизим асослари, кўп укладли иқтисодиёт қарор топди, иқтисодиётнинг нодавлат сектори оёққа туриб, ўзининг муҳим ўрнини эгаллади.

Бу давр мобайнида қонуннинг устунлиги ҳамда барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг мустаҳкам асослари қўйилди. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳокимиятнинг барча тармоқлари, жумладан суд тизимининг зиммасига юклатилган. Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди ҳамда вилоят хўжалик судлари иқтисодий мустақиллик мезонлари, барча хўжалик объектлари ва мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуққа эгалигидан келиб чиққан ҳолда одил судловни амалга оширишлари лозим.

Шу билан бирга, юртбошимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, ҳали жуда кўп қонунлар зарур ҳужжатлар билан тасдиқланган, қабул қилинган ҳуқуқий меъёр ва кафолатларни амалга оширишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилгани йўқ. Суд ҳақиқий равишда мустақил бўлиши керак. Бунинг учун, Президентимиз қайд этганидек, хусусан суд қарорларини бажариш тизимини қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Чунки, «мавжуд тизим самарадор эмас, айрим суд қарорлари узоқ вақтгача бажарилмай келинади. Суднинг ҳар бир қарори тўсиқсиз бажарилишини таъминлайдиган механизм барпо этилмаган... Суд қарорларининг бажарилишини белгилаб берадиган қонун қабул қилиниши тақозо этилмоқда».

Бу гапларнинг нақадар тўғрилиги республика хўжалик судларининг судлов фаолиятида исботланмоқда. 1996 йилда суд буйруқларининг 25 фоизи бажарилмаган. Судларнинг республика бюджетига пул маблағларини ўтказиш борасидаги буйруқларини бажариш кўрсаткичлари ҳам ана шу даражада турибди. Жумладан, 1996 йил 1 декабрь ҳолатида Олий хўжалик суди, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари хўжалик судлари томонидан давлат бюджетига қарийб 67 миллион сўм ундириш ҳақида чиқарилган қарорлар қарздорларнинг ҳисоб-китоб варақаларида пул маблағлари бўлмаганлиги сабабли банклар томонидан ижро этилмасдан қолган.

Амалдаги қонунчиликка биноан хўжалик судларининг пул маблағларини ундириб олиш тўғрисидаги қарорлари суд буйруқлари асосида банклар орқали, бюджетга ўтказилиши лозим бўлган маблағ эса солиқ органлари орқали амалга оширилади. Давлат органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари масъулиятини ошириш мақсадида Президентимиз Ислом Каримов 1997 йил 5 февральда «Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» фармон қабул қилди. Мазкур фармонда Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг қарорлари қарздорнинг ҳисоб-китоб варағида бўш пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда банклар, солиқ идоралари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз вақтида ижро этилиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Қарздор ташкилотнинг ҳисоб-китоб варағида пул маблағи бўлмаган ҳамда бу ҳол банк томонидан ҳужжат билан тасдиқланган тақдирда манфаатдор томон, хусусан солиқ органи тўловни қарздор ташкилотнинг мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисида хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Давлат солиқ қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги идораларига давлат божини ва бюджетга ундирилиши лозим бўлган жарималар бўйича хўжалик судлари қарорларини ўз вақтида бажаришни таъминлаш мажбурияти юкланган.

Суд қарорлари бажарилишининг муайян механизми йўқлиги, хўжалик судлари, солиқ органлари ҳамда банклар ўртасидаги ўзаро алоқа яхши йўлга қўйилмагани суд ҳокимияти ҳужжатларининг бажарилиши устидан назорат қилишни издан чиқарадиган муҳитни келтириб чиқариб, хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини, бюджетга муддатида тўланмаган солиқларни ундириш ва тўлов интизоми бузилишларига шароит яратиб берди. «Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон қонунчиликдаги мана шу нуқсонни тугатишга қаратилгандир.

Шуни эслатиб ўтишим лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 25 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонига биноан хўжалик судлари таркибига суд ижрочилари бўлинмаси киритилган, Олий хўжалик судида эса суд ҳужжатлари ижроси бўйича бўлим ташкил этилган. Бугунги кунда хўжалик судларидаги суд ижрочилари ўринлари бутунлай тўлдирилган бўлиб, улар ўз хизмат вазифасини бажаришга киришган.

Уларнинг фаолияти самараси ҳозирнинг ўзидаёқ кўзга ташланмоқда. Тошкент вилояти хўжалик судининг 1996 йил 14 октябрь куни чиқарган қарори билан «Мамадис» хусусий корхонасининг «Паррандатаом» жамоа корхонасидан 533 минг сўм ундириш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилган, бунинг устига, суд қарзни қарздор ташкилот мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисида қарор қабул қилган. Мазкур қарорнинг бажарилиши суд ижрочиси зиммасига юкланган. У қарздор ташкилот мулкини хатлаб, 5 кун ичида ихтиёрий равишда қарзни узишни таклиф этган, акс ҳолда ташкилот мулки сотиш учун мусодара қилиниши ҳақида огоҳлантирган.

Суд ижрочисининг қайд этилган тезкор ва фаол ҳаракати туфайли суд қарори тўла бажарилган.

Суд ижрочилари зиммасига Ўзбекистон Республикаси суд ҳужжатлари, МДҲга аъзо давлатлар ҳамда бошқа мамлакатларнинг арбитраж, хўжалик ва иқтисодий судлари қарорларини ўз вақтида, тўғри ва тўлалигича бажариш масъулияти юкланган. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 20 март куни Киев шаҳрида МДҲ ҳукуматлари раҳбарлари доирасида «Баҳсли масалаларни ҳал этиш ҳамда бундай масалалар бўйича қарорларнинг бажарилиши тўғрисида»ги битимни тасдиқлаган эди. Бунга мувофиқ, мазкур битимга келишган барча мамлакатларда суд органларининг хўжалик ишларига доир барча қарорлари сўзсиз бажарилиши шарт. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 22 декабрда «Хорижий арбитраж қарорларини эътироф этиш ҳамда уларни бажариш тўғрисида»ги 1958 йилдаги Нью-Йорк конвенциясига қўшилиш ҳамда уни ратификация қилиш тўғрисида» қарор қабул қилган.

Конституциямизнинг 114-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси хўжалик-процессуал кодексининг 8-моддасига мувофиқ, хўжалик судларининг чиқарган қарорлари республика ҳудудидаги барча ташкилот ва мансабдор шахслар томонидан сўзсиз бажарилиши шарт.

Президентимизнинг 1997 йил 5 февралдаги «Хўжалик судлари қарорлари бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида хўжалик судларига прокуратура органлари билан ҳамкорликда суд қарорларини қасддан бажармаслик фактлари бўйича айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан жиноят кодексининг 232-моддасида кўзда тутилган жавобгарлик чораларини кўриш, банк муассасаларига эса хўжалик процессуал кодексининг 112-моддасига мувофиқ ундириб олинадиган маблағнинг 50 фоизи миқдорида жарима солиш белгиланган.

Масаланинг бундай қўйилишига жиддий асослар бор эди. Чунки, 1996 йилнинг ўзидаёқ республика хўжалик судларига 400 га яқин ариза тушган бўлиб, уларнинг 74 таси бўйича хўжалик судларининг буйруқлари аниқ имкониятлар бўлишига қарамасдан банклар томонидан бажарилмаган. Бунинг учун уларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ 10 миллион сўмдан ортиқ жарима солинган. Бироқ суд қарорларини бажармаган мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилмаган.

Олий хўжалик суди ва республикадаги хўжалик судларининг суд ижрочилари ўз вазифаларини бажаришда қонуний кучга кирган ҳар бир суд қарорининг қонуний, ошкора ва сўзсиз бажарилиши лозимлиги сингари тамойилларга амал қилади.

Суд қарорларини ижро этиш фақат суд ижрочилари эмас, балки солиқ органлари ва банк муассасалари зиммасига ҳам юкланади. Бироқ банк муассасалари ва солиқ органлари мажбурий ижро этувчи орган бўлмай, фақат суд ижрочисигина бу вазифани амалга оширади.

Юқорида қайд этилган фармон билан Адлия вазирлиги, Олий суд ва Олий хўжалик судига суд қарорларини ижро этиш ва суд ижрочисининг мақоми тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини уч ой муддатда тайёрлаш топширилди. Шу билан бир вақтда фармон хўжалик судлари ижрочиларига юқори солиқ органлари ва банклар вакиллари билан биргаликда мансабдор шахслар томонидан суд қарорларининг ўз вақтида бажарилишини текшириш, қарздорларнинг ҳисоб варақалари билан танишиш, уларнинг мол-мулкларини қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва улардан фойдаланишни тақиқлаб қўйиш ҳуқуқларини берди. Айни пайтда Ички ишлар вазирлигига хизмат вазифаларини бажариш чоғида хўжалик судлари ижрочиларига зарур ёрдам кўрсатиш лозимлиги топширилди.

Хўжалик суди суд ижрочисининг қонуний талаблари бутун республика ҳудудида барча корхоналар, ташкилотлар, банк муассасалари, мансабдор шахслар, тадбиркорлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир, ахборотлар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари эса суд ижрочисининг талабига мувофиқ текинга ва улар белгилаган муддатда берилиши керак. Суд ижрочисининг қонуний талабларини бажармаслик ёки унинг зиммасига юклатилган вазифалар ва бурчларни бажаришга тўсқинлик қилиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка олиб келади.

Олий хўжалик суди Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тартибини ишлаб чиқди. Унда солиқ органлари ва банкларнинг хўжалик судлари қарорлари буйруқларининг даъвогар фойдасига пулни ундириш, давлат бюджетига давлат божи ва жарималарни ундиришга оид қисмини ижро этишга доир ҳуқуқлари, бурчлари ва ҳаракатлари батафсил кўрсатиб берилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди олимларни жалб этган ҳолда янги хўжалик процессуал кодекси лойиҳасини тайёрлаб, Олий Мажлисга тақдим этди. Унда суд қарорларини ижро этишни назорат қилиш йўллари кўзда тутилган, хўжалик низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш муддатлари қисқартирилган.

Умуман, 1997 йил 5 февралдаги фармон суд қарорларини ижро этишни назорат қилиш механизмини яратишга, қарзни қарздорлар мол-мулкидан ундириб бериш бўйича мурожаат қилишни ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги нуқсонларни тугатишга, хўжалик судлари, банклар ва солиқ органлари ўртасидаги хўжалик низолари бўйича пул маблағларини, шунингдек давлат бюджетига маблағларни ундиришга доир ўзаро муносабатларида тартиб ўрнатишга қаратилган. Фармон суд ҳокимияти обрўсини, суд ҳужжатлари таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга, халқ хўжалигида шартнома интизомини, хўжалик юритиш субъектларининг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси.
(ЎзА).

МИННАТДОРЛИК

Пойтахтимиздаги Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институти касалхонасининг бошланғич қисмида саккиз қаватли бино қад ростлаган. Бу -- республика жарроҳлик марказидир. Кўрган-кечирган ҳаммадан яхшироқ билади деганларидек, бирдан оғриб қолиб, ичак касалликлари бўлимига ётқизилдим. Хоналар қайта таъмирланган ва шинам. Бўлим бошлиғи профессор А. Асқаров мени хушмуомалалик билан қабул қилиб, синчиклаб текширди ва хавотир олманг, ўзим хабар олиб тураман, деб кўнглимни кўтарди.

Иккинчи куни жарроҳлик столига ётдим... Оғирвазмин ёш бир йигит тепамда чаққон ҳаракат қиларди. Уч соатлик оғир курашдан сўнг «бўлди, қутилдингиз», деган сўзларни эшитдим. Эртаси куни ҳаким О. Бобохонов ҳар соатда ҳол сўрар ва ишлар рисоладагидек кетаётганидан ўзи ҳам хурсанд эди.

Бошинг ёстиққа текканида оқ халат кийган ҳакимларнинг беғараз ёрдамини кўриб, инсоннинг бир-бирига нақадар яқинлигини яққол сезаркансан. Ҳа, инсон бир-бирига жуда ҳам яқин ва азиз.

С. АНВАРОВ,
Қашқадарё вилояти.

САВОБ

Ёшим 64 да. Шундай бўлса-да, ўзимни йигитлардай ҳис қиламан. Бунинг боиси мен озод Ўзбекистоннинг фуқаросиман, деган кўтаринки руҳдир. Баъзан ўзимга ўзим савол бераман: «Дунёга келиб қандай хайрли иш қилдинг?» Албатта, ушбу савол ҳар биримизнинг олдимизда доимо кўндаланг бўлиши лозим. Чунки советлар даврида бизни лоқайдлик ва текинхўрликка ўргатишди.

Мустақиллик берган имконият ва шароитлардан фойдаланиб, хайрли бир юмушга қўл уришга қарор қилдим. Ўтган йилнинг февраль ойида Қоракўл туман ҳудудидан оқиб ўтадиган Зарафшон дарёси бўйларидаги ўзлаштирилмаган яйловдан 25 гектар майдон олиб, бир боғ яратишга киришдим. Бутун оила аъзоларим билан чўлга кўчиб чиқиб, деҳқончилик қилдик. Йил якунида жами 248 минг сўм даромадли бўлдик. Шундан 50 минг сўмига турли хилдаги мевали дарахтлар ва қора кишмиш кўчатлари келтириб, 4 гектар майдонга ўтказдим. Ният қилинган боғнинг илк пойдевори қўйилди. Хуллас, ишларимиз борган сари ривож топаяпти. Режаларимиз катта ва табиийки, келажакка доимо умид билан қараяпмиз. Чунки асосий ишларимиз ҳали олдинда...

Мана, ўлкамизга ҳут ойи кириб келди. Ушбу ойда кўчат ўтказиш одат тусига кирган. Ана шу ғанимат кунларда сиз азиз тенгдошларим -- нуроний отахонлар ёшларимизни ўз атрофларингизга жалб қилиб, кўчат экишдек савобли ишга бош бўласизлар, деб ишонаман.

Р. ҚОСИМОВ,
Бухоро вилояти,
Қоракўл тумани.

ЛУҚМА

«ДОҲИЙ» МУРИДЛАРИ

Андижон шаҳрининг қоқ марказидан ўтган гавжум кўча кўплаб халқлар тақдирини алғод-далғов қилиб ташлаган «чўққи соққол доҳий» номи билан юритилишидан таажжубга тушдим. Ҳам маънавий, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан камситилган халқимиз кўкрагига мустақилликнинг умидбахш шабадаси текканига салкам олти йил бўлаётган бир пайтда, айрим мансабдорлар «доҳий» номини ўзгартиришга кўзлари қиймаётган кўринади.

Ачинарли томони шундаки, бундан нохуш ҳолни оқ билан қорани, кеча билан кундузги, адолат билан ҳақсизликни жуда яхши фарқлай биладиган, сизга-бизга, фарзандларимизга сабоқ берадиган билимдон зиёлилар кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олмоқдалар. Масалан, вилоят халқ таълими бошқармаси айнан шу кўчага жойлашган. Унинг раҳбарлари, кўплаб ходимлар ҳар куни «доҳий» номи битилган лавҳаларга, ёзувларга дуч келадилар. Вилоят маорифчиларининг нашри ҳисобланган 4200 нусхада чоп этилаётган «Зиёкор» газетасининг ҳар бир сонида «Манзилгоҳимиз: Ленин кўчаси, 9» дея «доҳий» номи албатта тилга олинади.

Халқимизни ҳур фикрлашга, ўзлигини англаб етишга даъват этиши лозим бўлган вилоят халқ таълими бошқармаси мутасаддилари ана шундай деб турсалар, бошқалардан нима кутиш мумкин?

Т. ДОЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ДАВРОН» АГРОФИРМАСИНИНГ БИР КУНИ

(Фотолавҳа)

Булоқбоши туманидаги Улуғбек Носиров бошчилик қилаётган «Даврон» агрофирмаси халққа беминнат хизмат кўрсатишни мақсад қилиб олган. Жумладан, агрофирмага қарашли 4 гектар иссиқхонада помидор, бодринг етиштирилаётир. Тумандаги 2 та болалар боғчасини оталиққа олган. Шунингдек, тумандаги кам даромадли оилаларга мунтазам ёрдам кўрсатади, хайрия ишларида фаол қатнашади. Агрофирма кучи билан туман марказида саунали янги ҳаммом қурилиб, ишга туширилди. Келгусида агрофирма қошида касаначилик цехи ташкил этиш режалаштирилган.

СУРАТЛАРДА: агрофирма ишчилари Дилдора Мамадалиева, Назокат Исоқова; агрофирма иссиқхонасининг умумий кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган суратлар.



"ГЎШТСУТСАВДО" ДАВЛАТ САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
чекланмаган миқдорда Грузиянинг бутун дунёга машҳур шифобахш маъданли "Баржоми" сувини таклиф этади.

Ошқозон-ичак, жигар хасталикларини даволашда самарали малҳам ҳисобланган "Баржоми" суви булоқлари минг йилдан ошиқ даврдан буён хасталар дардига шифо бўлиб келмоқда.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент ш., Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй (мўлжал: "Рисовой" бозори). Тел.: 91-40-11, 91-15-54, 91-57-43.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси хорижий мамлакатларга эшиттиришлар дирекцияси режиссёр Гулбостон Разамовага отаси
Султонмурод РАЗАМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси умумтехника таҳририятининг катта муҳаррири Д. Аббосовага отаси
Йўлдош ОЙХЎЖАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ,
"Москвич" М-2141, М-412, ИЖ-2715 автомобиллари ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Москвич" техникавий хизмат кўрсатиш бош станцияси очиқ турдаги акционерлик жамияти автомобилларни таъмирлайди ва техник хизмат кўрсатади, эҳтиёт қисмлар, автошина ва аккумуляторлар сотади.

Ҳақи ихтиёрий усулда тўланади.

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри,
Олмалиқ ҳалқаси кўчаси, 1.
(Мўлжал: "Роҳат" кўли).

Телефонлар:
98-32-87,
98-32-88,
98-32-98.
Факс:
98-72-00.

ТАШКИЛОТ
ТРИНАТРИЙФОСФАТ
СОТАДИ
РОССИЯ МАҲСУЛОТИ
78-59-89 78-24-26

ОИЛАВИЙ МУТОЛАА

Яқинда қишлоқ доирасидан чиқиб, туман миқёсига кўтарилган ва 2-3 йилдан буён ечимини топмаётган можаро билан танишишга тўғри келиб қолди. Бунақа «можаро» лар ҳам ярага ўхшайди: бир хилини ёриб, паносини чиқариб юбориш керак, баъзисини кесиб ташлаш лозим. Аммо буниси ҳар икки хил ёндошувни ҳам кўтармайди, яъни дард анча «пастга ташлаган». Шунинг учун биз ҳам эҳтиёт бўлиб муносабат билдириш йўлини танладик. Аслида, ёзмаслик ҳам мумкин эди, бироқ хайрли ишларимизда нафи тегиб қолар, деб қалам тутдик. Ахир,«Ақлни ақлсиздан ўргандим», деган нақл бор.

КУРМ-АК

• Шолининг сувига шерик бўлади, лекин барибир ажратиб ташлайдилар
• Одам боласи шу кунга тушмасин

Гап мана бундай:

Ҳамма бир кўришни орзу қиладиган, кўрса кўнгил узолмай қоладиган гўзал қишлоқлардан бирида одамлар тоза ниятлар билан яшашар, файзли, баракали турмуш муҳиби эдилар. Тўғри, оилалар-турли даражада, яшаш тарзи, кун кўриши ҳам ўзига хос бўлиб, «Дашт бўрисиз, эл ўғрисиз бўлмайди», деган мулоҳазалар ҳам бу жойларга бегона эмас. Хусусан, қўли эгрилиги туфайли номи чиққан ва «этагига хас илашган» эр-хотин рўзғорида тарбияланган болалар турли нобоп қилиқлари билан одамлар жиғига тегиб келар, бу ҳолга қўл силташиб, «менга тегинмаса, унга тегинмайман» қабилида муносабатда бўлишарди. Бир куни полиз қоровулининг чайласи ёниб кетди. Қишлоқда майда-чуйда ўғриликлар содир бўла бошлади. Ниҳоят, ўғиллардан бири кекса отахонни роса дўппослади (шикаст шунчалик жиддий эдики, бобо узоқ вақт даволанди ва барибир майиб бўлиб қолди). Бу воқеалар ҳамманинг кўз олдида содир бўлаётган, бироқ ҳеч кимни астойдил безовта қилмаётган эди. Ҳамма отанинг сохта «обрўси»дан, онанинг шаддодлигидан чўчирди гўё. Хуллас, иллат томир отиб борар, нимадир содир бўлиши шарт эди.

Шундай ҳам бўлди: тутзорда икки қўшни бола ёқалашиб қолди ва жанжал жиддий тус олиб, бир умрнинг завол топишигача бориб етди. Тошбағир, золим бўлиб тарбияланган 15 ёшли ўсмир ўзидан 3-4 ёш катта, порлоқ орзудар оғушида яхши кунларни кутиб яшаётган йигитчани ўроқ билан уриб, ўлдирди. Мана, тош кўчди, унинг гулдуроси бутун далани тутиб кетди. Бу фожеа икки оиланинг, демак, улар атрофидаги жами қариндошларнинг зиддиятини келтириб чиқарди. Неча йиллардан буён бир эл бўлиб яшаб келган қишлоқ иккига бўлиниб, ёвлашиб қолди.

-- Ўша кунлари одамларни жиловлаш қийин бўлди, -- деб ҳикоя қилади жамоат тартибини сақлаш ходимларидан бири, -- бутун туманни оёққа турғазишга тўғри келди. Қотил тарафнинг хавфсизлигини таъминлаш учун барча чоралар кўрилди.

Бу гаплар бир қадар эриш туюлса-да, ўшандай вазиятда бундан бошқа чора йўқ эди. Аламзада бўлган ота-она қасос талаб қилар, тарафдорлар қўллаб-қувватларди. «Шошиб қолган ўрдак баъзан думи билан шўнғийди», деганларидек, осойишталикни сақлашнинг ягона йўли сифатида бу тарафни қишлоқдан лаш-луши билан олиб чиқиб кетиш маъқул кўрилди ва шундай қилинди. Буни одамлар ҳам фуқаролар йиғинига, туман ҳокимлигига хатлар ёзишиб талаб қилишганди.

Кейин қотил судланиб, 10 йилга қамалди, бу ҳам фарзанд доғида куйиб қолганларга таскин бўлолмади. Қолаверса, чиқариб юборилганлар хўжаликнинг бошқа бригадасида яшаётгани ҳақида гап тарқалди. Одамлар яна жунбушга тушди, қишлоқнинг тинчини бузган, бунинг устига бир йигит умрига зомин бўлган оилани хўжалик, қолаверса, туман ҳудудидан чиқариб юборишни талаб қила бошлади.

«Инсон-азиз», деган ақида бугун пайдо бўлган эмас. Мабодо, шу ардоқли зот ҳеч жойга сиғмаса, бу шунчаки шўрпешоналик эмас, балки тақдирнинг ажридир. «Яхшилик ерда қолмайди, ёмонлик ҳам жазосиз қолмайди», дейишади. Бу оиланинг шумқадам сифатида ҳеч жойга сиғмаслиги, тушган ерини куйдириши ҳамқишлоқларини зор қақшатиб қилган безориликларининг «мукофоти»дир.

Шундан сўнг раҳбарларнинг ҳаловати баттар бузилади. Бизда кўпинча раҳбарлик деганда «исини чиқармай тинчитиш», «юқори идора олдида мулзам бўлмаслик» тушунилади. Ҳозирги вазиятда ҳам шундай йўл тутилади, оқсоқоллар жабрдийдаларга таскин беришади, яна бошқалар «у томон»га босиқ бўлишни сўраб ёлворишади. «У томон» эса «биз давлатнинг мулкини қўриқлайман, деб шу ҳолга тушдик, ҳовли-жойимизда яшаймиз», деб тихирлик қила бошлайди. Раҳбарларнинг эса яна жанжал чиқиб, фалокатнинг чуқурлашишидан жонлари ҳалак. Қолаверса, шундай вазиятда қонуний қандай йўл тутиш керак эди, бундай ҳолатлар бизнинг ҳуқуқий мезонларимизда кўзда тутилганми? Хусусан, бадарға қилишнинг асослилиги нечоғлик бўлган? Хуллас, қишлоқдан қувилганлар «конституциявий ҳуқуқи»ни ҳимоя қилиб турли идораларга шикоят қила бошлайдилар. Кечагина бадном қилинган одамлар жабрдийда қиёфасига кириб оладилар. Қишлоққа қайтиш йўли ҳам беркилган, «бу томон» «Жонга-жон» деб турибди.

Вазиятдан чиқиш йўлини излаган раҳбарлар турли чоралар кўра бошлашади. Жабрдийда қиёфасига кириб олганларнинг шахсий молларини хўжалик фермасида боқиб берадилар. Текинга ун, гўшт, пахта ёғи билан таъминлашади, хизматларига машина тайинлашади -- бу сийловлар эвазига ҳовли-жойга қайтишни талаб қилишмаса— бўлди. Қишлоқда эса қўшнилар тишини қайраб туришибди.

-- Бир сафар опани 8 нафар милиционер қўриқлаб, ҳовлисига олиб бордик, -- деб ҳикоя қилади участка нозири, -- одамларнинг нафрати шунчалар кучли эканки, бир зумда хабар топишиб ўраб олишди. Бизнинг ҳам қаршилигимизни енгиб, хотинлар опанинг юзларини тимдалаб, куйлакларини йиртиб ташлашди.

Айни пайтда қувилганларни чеккароқ чорвачилик фермасидаги ғиштин бир бинога жойлаштиришибди. Раҳбарлар барча шартларга рози: уйни хусусийлаштириб беришмоқчи, исталганча қурилиш ашёсини олишсин... Улар эса бунга рози эмас, «қишлоқдаги ҳовлимизга қайтамиз», деб икки оёқни бир этикка тиқиб олган. Мана бошқотирма: шундай вазиятда сиз қандай йўл тутардингиз, раҳбар-муштарий?

Албатта, дунёда томошаталаб одамлар ҳам кўп. Кимлардир қувилганларга «ҳуқуқий ёрдам» уюштириб, турли идораларга ҳатлар ёзиб беришар экан. Жумладан, бундай «конституциявий ҳуқуқини» (маслаҳатчилар анча саводли бўлса керак, шу жумлага жуда урғу беришган) талаб қилиб ёзилган мададталаб мактуб газетамизга ҳам келди. Уни одамлар туман марказига тушишга ўйланиб турган шароитда анчагина пул сарфлаб, «жабрдийда» опанинг ўзи қўли билан олиб келиб топширди.

Воқеа содир бўлган жойга ташриф буюриб, аҳвол билан танишдик. Катта-кичик раҳбарларнинг боши қотган. Арзчилар эса эркатой боладек инжиқлик қилишади, элюртнинг обрўсини ўйлаганлар муросага ундайди. Муросага эса келинадиган эмас. Аксинча, паст-баландни кўравериб кўзи қотган арзчилар талабни кескинроқ қўйишади. Мухбирга ҳам ўз зуғумларини ўтказмоқчи бўлишади:

-- Сиз энди бизга нимани ҳал қилиб берасиз?

-- Бор гапни газетага ёзамиз... Бошқасига...

Бу савол-жавобдан шундоқ ҳам изза тортиб ўтирган хўжалик раҳбарининг сўнгги умид торлари узилгандек бўлади. Бўғилиб, пичирлайди:

-- Йил бўйи тупроқ чангаллаб юрсанг, бир сатрда мақташмайди. Бир элбузар туфайли бутун мамлакатга достон бўлиб турсанг...

Дунёнинг ишлари шу экан: кимдир йиғади, кимдир сочади. Биров ўз шаъни учун, жонини тикади, бошқаси қадрини тарозига қўйиб, чўнтак тўлдиради.

Юқоридаги можаро, шубҳасиз, ечимини топади. Турмуш чорраҳаларида яна янгилари пайдо бўлади. Ҳаммаси барибир жойида ечилади. Фақат уларнинг сабоғи эсдан чиқмаса бўлгани. Иншомиздан мақсад ҳам шу. Бизга воқе бўлган ғурур, орият ҳурмати -- манзилни сир тутдик. Зеро, юқоридаги мулоҳазаларимизга кўра бундан наф кам. Ўйлаймизки, мавзуга қайтишга зарурат қолмайди. Фақат яхши кунларда кўришайлик.Ҳозирча...

Ҳ. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СЕНИКИДИР БУ ДУНЁ, ЎҒЛИМ

МЕҲР

Бир бошга бир Ватан -- тупроқ ягона,
Йўлларим нурафшон -- порлоқ, ягона.

Ўлкам ишқи жодир муштдек қалбимга,
Боғ-роғим, ҳаттоки, гиёҳ ягона.

Кундузим мунаввар танҳо қуёшдан,
Тунимни ёритган чироқ ягона.

Мусаффо осмоним, сонсиз юлдузлар,
Қалбимнинг навоси мутлоқ ягона.

Уфққа туташ қирлар, сою салқиним,
Майсалар оғуши-ўтлоқ ягона.

Ҳожига илҳомбахш замоним меҳри,
Юртим муҳаббати қайноқ ягона.

ЎҒЛИМГА

Борлиқ гўё сеҳрлидир,
Она каби меҳрлидир.
Тупроқ сенга муҳрлидир,
Сеникидир бу дунё, ўғлим,
Меҳринг унга бўлса гар лим-лим.
Мағрурлансанг ярашгулик юрт,
Тупроғингни кўзгинангга сурт,
Ҳар зарраси барака-ю, қут
Тамомила сеники, ўғлим,
Меҳринг унга бўлса гар лим-лим.
Ҳар кун қуёш йўқлайди албат,
Нурларида буюк ҳақиқат,
Қучоғига сен ўзингни от.
Тамомила сеники, ўғлим,
Меҳринг унга бўлса гар лим-лим.

САБОҚ

Дарахтлар-ки тупроқда униб,
Гуллашликни менга ўргатди.
Тамомила меҳрини қўйиб,
Сўйлашликни менга ўргатди.

Қуёшга қўл чўзиб ҳар маҳал,
Уйғоқликни менга ўргатди.
Чуғур-чуғур қушлари дарҳол,
Иноқликни менга ўргатди.

Илдиз билан она тупроқни
Қучишини менга ўргатди.
Инсонларга сўлим бағрини,
Очишини менга ўргатди.

Данакликдан кафтдек тупроқда,
Унишини менга ўргатди.
Ўзи ўсиб-унган Ватанни,
Севишини менга ўргатди.

Анвар ҲОЖИ.

МУКОФОТГА... СТИПЕНДИЯ

Шарқнинг йирик илоҳиётчи мутафаккири Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳазратларининг хотирасига бағишлаб ўтказиладиган миллий кураш бўйича халқаро турнирнинг бўлажак иштирокчилари майдонга тушди -- саралаш мусобақалари бошланиб кетди.

Ана шундай мусобақалардан бири Термиз давлат университетида бўлиб ўтди ва унга юз нафар полвон-талаба иштирок этди. Талабгорлар кўп бўлганлиги учун ҳам кураш аёвсиз бўлди. Фақат етти нафар полвон-талаба ўз вазни бўйича университет чемпиони деб эълон қилинди.

Ғолибларни қўшимча стипендия билан мукофотлайдиган бўлишди.

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қорли тоғлар турар бошида,
Гул водийлар яшнар қошида.
Ҳ. Олимжон.

Мамлакатимиз ҳудуди бир-бири билан ўзаро туташиб кетган текислик ва тоғлардан, шунингдек, тоғ оралиқларидаги ботиқлар, яъни водийлардан ташкил топган. Маълумотларга кўра, Ўзбекистон умумий майдонининг 78 фоизини текисликлар, 22 фоизини эса тоғли ҳудудлар ишғол қилади.

Республикамизнинг текислик қисмига унинг марказий ва шимоли-ғарбий қисмларида ястаниб ётган Турон пасттекислигини, Мирзачўл, Қарши ва Қарноб чўлларини киритишимиз мумкин. Шунингдек, Зарафшон, Чирчиқ -- Оҳангарон, Китоб -- Шаҳрисабз, Сурхон -- Шеробод ва Фарғона водийларининг ер усти тузилиши унча баланд эмас ва улар ҳам тоғ оралиқларидаги текисликлар сирасига киради.

Маълумки, Ҳамдўстлик мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ер усти тузилишининг ҳолати, унинг қанчалик паст ёки баландлиги, ҳозирги вақтда ҳам Болтиқ денгизи сатҳига нисбатан ўлчанади. Республикамиз ҳудуди ана шунга кўра қуйидаги баландлик минтақаларига ажратилади: 400--500 метр баландликкача бўлган ерлар -- чўл, яъни текисликлар, 500--1200 метр -- адир, 1200--2800 метр -- тоғ ва 2800 метрдан баланд -- яйлов. Шунингдек, ер юзининг денгиз сатҳига нисбатан ҳолатига кўра диёримиздаги энг паст ва энг баланд нуқталарни аниқлаш мумкин.

Яқин вақтларгача республикамиз ҳудудидаги энг паст нуқта Қорақалпоғистон Республикасидаги Сариқамиш ботиғи ҳисобланар эди. У денгиз сатҳидан 38 метр пастда жойлашган эди. Лекин қуйи Амударёда жойлашган қишлоқ хўжалик ерларидан чиқадиган зовур сувларининг ташланиши оқибатида унинг сатҳи кескин кўтарилди. Натижада Сариқамиш ўзининг энг паст нуқта деган номини йўқотди. Ҳозирги пайтда унинг ўрнини Марказий Қизилқумдаги Мингбулоқ ботиғи эгаллади. Бу жойнинг энг чуқур нуқтаси денгиз сатҳидан 12 метр пастдадир.

Республикамиз ҳудудидаги тоғлар Тянь-Шань ва Помир-Олой тизимига киради. Бу ерда турлича майдонни эгаллаган ва баландлиги ҳам ҳар хил бўлган 22 та тоғ тизмалари мавжуд. Улар ўртасида энг йириги Ҳисор тоғ тизмаси ҳисобланади. Худди шу ерда Ўзбекистоннинг энг баланд нуқтаси, баландлиги 4.643 метр бўлган Ҳазрат Султон чўққиси жойлашган.

Бир шаҳар миқёсидаги рельефнинг энг баланд ва паст нуқталарини аниқлаш бирмунча мушкулроқ. Чунки республикамиздаги шаҳарларнинг эгаллаган майдони унча катта эмас. Фақатгина пойтахтимиз Тошкент бундан мустасно. У майдонига кўра Ҳамдўстлик мамлакатларида фақатгина Москвадан кейинги ўринда туриб, ҳозирда у 360 кв. км дан ортиқ. Бу эса Хоразм воҳаси ёки Фарғона водийсида жойлашган қишлоқ туманларининг майдонидан бирмунча каттадир. Бу эса пойтахтимиз ер юзасидаги баландликлар орасидаги фарқни аниқлаш имконини беради. Тошкентнинг энг баланд нуқтаси 515 метр бўлиб, у Тракторсозлар автобекати яқинида, энг паст жойи -- 380 метр -- эса Сирғали тумани ҳудудида, Чирчиқ дарёси бўйида жойлашган.

Текисликлар ва тоғлар -- яхлит бир тизим бўлиб, улар ягона хўжалик мажмуини ташкил этади. Агар текисликларимиз асосий аҳоли яшайдиган, қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ ҳолда саноатнинг турли тармоқларини ривожлантириш маскани бўлса, тоғлар -- Марказий Осиёда ҳар бир қатраси олтинга тенг бўлган битмас-туганмас сув манбаи, турли қазилма бойликларни ўз бағрида жамлаган хазинадир.

Шунингдек, тоғларимиз -- Бухоро, Самарқанд, Хева каби қадимий шаҳарлар билан бир қаторда Ўзбекистонда дам олиш ва туризм индустриясини ривожлантиришдаги асосий таянч вазифасини ўтайди. Республикамизда тоза ҳавоси, сўлим жойлари ва зилол сувларига кўра Кавказдан қолишмайдиган жойлар жуда кўп. Тошкент вилоятининг тоғли туманлари, Жиззах вилоятининг Зомин, Қашқадарёнинг Китоб, Шаҳрисабз, Самарқанднинг Нурота ва Фарғона водийсининг қатор туманлари ана шундай истиқболли ҳудудлар сирасига киради.

Каромиддин ГАДОЕВ,
география фанлари номзоди.

Тарих билан юзма-юз.
Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

Ўзбекистон Республикаси қисқа муддатли давлат облигацияларининг 21009UMFS чиқарилишини қоплаш ва 21012UMFS чиқарилишини жойлаштириш якунлари бўйича ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ РАСМИЙ ЭЪЛОНИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ, 21009UMFS чиқарилишидаги қисқа муддатли облигациялар **1997 йил 19 февраль** куни **1999,999 млн.** сўмлик ҳажмида тўла қопланди.

21012UMFS сонли чиқарилишдаги қисқа муддатли давлат облигациялари **(1997 йил 19 февралда** чиқарилган, қоплаш санаси -- **1997 йил 21 май** -- муомалада бўлиш муддати **91 кун**)ни жойлаштириш бўйича кимошди савдоси Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида шу йил **19 февраль** куни бўлиб ўтди.

Кимошди савдосида **12 та** дилер-банклар қатнашди.

Облигацияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳажми -- **2500,0 млн.** сўмни ташкил этди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар рақобатдош талабномалар умумий ҳажмининг **20%**игача миқдорда берилишига рухсат этилди.

Кимошди савдосига облигация номинал қийматининг **91,00% дан 92,45%** гача бўлган баҳолар доирасида талабномалар берилди. Тушган рақобатдош ва рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг умумий ҳажми номинал ҳисобида **2521,11 млн.** сўмни ташкил этди.

Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг минимал баҳоси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарорига мувофиқ, облигация номинал қийматининг **92,11%**ини ташкил этди. Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг умумий ҳажми **1594,860 млн.** сўмни ташкил этди.

Кимошди савдосида қондирилган барча талабномаларнинг ўртача баҳоси облигация номинал қийматининг **92,20%**ига тенг бўлди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар ҳам худди шу баҳода қондирилди. Уларнинг умумий номинал ҳажми **168,754 млн**. сўмга тенг бўлди.

Жами номинал ҳисобида **1763,614 млн**. сўмлик облигация сотилди, бу эмиссия умумий ҳажмининг **70,55%**ини ташкил этади.

30,93% облигациялар дилер бўлмаган инвесторлар томонидан харид қилинди.

Кимошди савдоси натижалари бўйича облигацияларнинг даромадлилиги қуйидагича бўлди:

Кимошди савдоси якунлари бўйича даромадлик (йиллик % ҳисобида)	Минимал баҳода 92,11%	Ўртача олинган баҳода 92,20%
Оддий фоизлар услуби бўйича	34,36	33,93
Мураккаб фоизлар услуби бўйича	39,05	38,50

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида ўтказилган қисқа муддатли давлат облигацияларининг иккиламчи савдолари тўғрисидаги
Расмий ҳисобот

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ўртасида тузилган шартномага биноан 21010UMFS ва 21011UMFS чиқарилишидаги қисқа муддатли давлат облигациялари бўйича Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида ўтказилган савдо натижаларини эълон қилади.
Қисқа муддатли давлат облигацияларининг эмитенти - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

Савдо куни	Рўйхат рақами	Номинал қиймати (сўм)	Ҳажми (дона)	Ҳажми (сўм)	Битимлар баҳоси*			Талабномалар баҳоси*		Етилиш баҳолари*	
					энг сўнгги	минимал	максимал	минимал сотув	максимал харид	Сотиш	сотиб олиш
18 февраль	21010UMFS	1000.00	0	0.00	-	-	-	-	96.50	-	96.50
10 февраль	21011UMFS	1000.00	67 741	65 708 770.00	97.00	97.00	97.00	97.00	97.00	97.50	96.00

* Баҳолар номинал қийматдан 0,01 аниқлик билан фоизда кўрсатилган

(Газетанинг навбатдаги сони 27 февраль, пайшанба куни чиқади).

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир —Н. Тошев.
Навбатчи —Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ —А. Худойқулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 088 44.000 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6

СССР Давлат китоб палатаси
Ахборот палата УзССР
7.02.97

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

26 февраль, чоршанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 43 (1560)

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ ВАРОХМАТУЛЛОҲИ ВАБАРОКАТУХ

МУҲТАРАМ ПРЕЗИДЕНТ АБДУҒАНИ ЎҒЛИ ИСЛОМ КАРИМОВ

Мен 87 ёшга кирган, республикамиз меъморчилигида баҳоли қудрат меҳнат қилган ҳунарманд Сайидаҳмад Маҳмудов ҳаётим давомида кўплаб раҳматлар эшитдим, турли мукофотларга, унвонларга сазовор бўлдим. Бола чақаларим, невара ва аваларим билан яхши ҳаёт кечириб келмоқдаман. Нимага эришган бўлсам, ҳалол меҳнат ва инсоф-иймон, диёнат туфайли эришдим.

Сизнинг боличилигингизда Ўзбекистон мустақилликка эришгач янги куч-қувват билан миллий саноатимизни ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдаман. Албатта, 87 ёш инсон учун кичик ёш эмас, шу туфайли кейинги вақтларда кўриш, эшитиш қобилиятим бир мунча сусайган эди.

Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингизда Қўқон ўрдасини таъмирлашда мени, фарзандларимни ва шогирдларимни арзимас хайрли ишини ибрат сифатида кўрсатганингиз менга ҳар қандай дори-дармондан кучли таъсир қилди, мен ёшаргандек бўлдим, кўриш ва эшитиш қобилиятим анча яхшиланди, ғайратим жўшди. Сизнинг мақтовингизни мен аввал олган ҳамма мукофот ва унвонларимдан юқори ҳисобладим.

Шунинг учун мен Сизга ушбу рахматномани йўлламоқдаман ишонаманки, Сиздек кишиларни ўзгу меҳнатларини қадрига етадиган раҳбар билан, мамлакатимиз равнақ топажак.

Сизга Оллоҳдан саҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб қолувчи наққош Сайидаҳмад Маҳмудов.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон-Америка бизнес алоқаларида қанчалик ютуққа эришилган бўлса, бунда Рут Харкин хонимнинг ҳиссаси ҳам шунчалик каттадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Американинг хориждаги хусусий сармоялар бўйича корпорацияси (ОПИК) президенти ва бош ижрочиси Рут Харкин хоним билан суҳбати чоғида шундай дея алоҳида таъкидлади. 25 февраль куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Рут Харкин Ўзбекистон Республикаси Президенти қабулида бўлди.

Қабул маросимида Ислом Каримов Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг тобора ривожланиб бораётганини қайд этиб, бунда америкалик хусусий тадбиркорларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорлик алоқалари, хусусан, ОПИК билан ҳамкорликда қилинадиган ишлар кўлами билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С. Т. Эскудеро ҳозир бўлди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.
А. ТУРАЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗАГРОСУҒУРТА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Суғурта хизматлари соҳасини самарали ривожлантиришни таъминлаш, деҳқончилик маҳсулоти етиштирувчиларни ва аҳолини суғурта йўли билан ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмасининг, «Ўздонмаҳсулот» корпорациясининг, «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк» тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат Суғурта бош бошқармаси негизида «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинади ҳамда у барча мулкий ва номулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат суғурта бош бошқармасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

-- деҳқончилик соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулки ва маҳсулоти суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

-- деҳқончилик соҳасидаги товар ишлаб чиқарувчи -- қарз олувчиларнинг тўлашга қодирлигини ўрганиш ҳамда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва деҳқончилик соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиб бериладиган кредитларни қоплашга суғурта кафолатларини тақдим этиш;

-- деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича ишларни ўтказиш учун аванс тариқасида бериладиган маблағлар қайтарилишини суғурталаш;

-- юридик ва жисмоний шахсларга ҳар томонлама суғурта хизматлари кўрсатиш, қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг шахсий ҳамда мулкий манфаатлари суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

3. «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик компаниясининг устав сармояси муассислар томонидан 2000 миллион сўм миқдорида эълон қилинганлиги ва у қуйидаги муассислик бадаллари ҳисобидан ташкил топиши маълумот учун қабул қилинсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1500 миллион сўм миқдордаги маблағидан, бу маблағ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қайта ташкил этилаётган Давлат Суғуртаси бош бошқармасининг ўз маблағларидан ҳосил бўлади;

б) «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмасининг 250 миллион сўм миқдордаги;

в) «Ўздонмаҳсулот» корпорациясининг 100 миллион сўм миқдордаги;

г) «Пахтабанк» тижорат банкининг 35 миллион сўм миқдордаги;

д) «Ғаллабанк» тижорат банкининг 10 миллион сўм миқдордаги;

е) «Мевасабзавотбанк» тижорат банкининг 5 миллион сўм миқдордаги;

ж) акцияларни эркин сотиш, шу жумладан хорижий сармоядорларга сотишдан тушадиган 100 миллион сўм миқдордаги маблағлардан.

4. «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари даромад ва мулк солиқларини тўлашдан беш йилга озод қилинсин ва бунда солиққа тортишдан бўшаган маблағларнинг ҳаммаси компаниянинг суғурта (захира) жамғармасини кўпайтиришга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда компания фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 25 февраль

МУДОФАА ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИ

25 февраль куни Тошкентда МДҲ мамлакатлари -- Қозоғистон мудофаа вазири генерал-полковник Мухтор Олтинбоев, Қирғизистон мудофаа вазири генерал-полковник Мирзакан Субанов, Россия мудофаа вазири Игорь Родионов, Тожикистон мудофаа вазири генерал-майор Шерали Ҳайруллаев, Ўзбекистон мудофаа вазири генерал-полковник Рустам Аҳмедовларнинг амалий учрашуви бўлди.

Учрашув чоғида ҳарбий маҳкамаларнинг раҳбарлари минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятни батафсил муҳокама қилдилар, Афғонистондаги қуролли қарама-қаршилик кучайганидан жиддий ташвиш билдирдилар.

Бу мамлакатдаги қуролли можаро давлат ичидаги бир-бирига қарши кураш доирасидан четга чиқиб, минтақа хавфсизлигига раҳна сола бошлагани таъкидланди.

Учрашув иштирокчилари ўзларини қизиқтираётган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олдилар. Амалий учрашув якунлари бўйича протокол имзоланди.

(ЎзА).

РАҚС САНЪАТИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда санъатга, жумладан, рақс санъатига эътибор кучайиб бормоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони бу борада айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонга кўра Мукаррам Турғунбоева номидаги миллий рақс бирлашмаси -- «Ўзбекрақс» ташкил этилди.

25 февраль куни «Баҳор» концерт залида ана шу янги ташкилотнинг дастлабки йиғилиши бўлди. Унда бадиий жамоалар вакиллари, пойтахт театрлари артистлари, устоз санъаткорлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Йиғилишни маданият ишлари вазири Х. Жўраев очди.

«Ўзбекрақс» бирлашмасининг бош директори этиб тайинланган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Ю. Исматова ва бошқа сўзга чиққанлар мазкур янги бирлашманинг асосий фаолияти ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган жозибали рақс намуналарини янада бойитишга, маънавиятимизни, қадриятларимизни тиклаш ва тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат эканлигини айтдилар, бирлашманинг ижодий режалари хусусида сўзладилар. Санъатга, жумладан рақс санъатига кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорлик билдирдилар.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов сўзга чиқди.

(ЎзА).

«ЖАҲОН БОЗОРИ» АВТОМОБИЛЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛМОҚДА

Андижон вилоятидаги энг катта «Жаҳон бозори»да автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини сотиш йўлга қўйилди.

«Жаҳон бозори» серқатнов айланма йўл бўйида, автостанция ёнида жуда қулай жойлашгани туфайли савдо-сотиқ, харид қилиш учун бу ерга жуда кўп одамлар келади. Шу билан бирга бозорда сотувчилар ва харидорлар учун яхши шароит яратилган--нотариал идора очилган, ички ишлар бошқармаси давлат автомобил назорати бўлимининг филиаллари, мулкни сотиш ва харид қилишни расмийлаштириш учун зарур бўлган бошқа муассасалар ишлаб турибди. Бу эса Фарғона водийси аҳолиси орасида янги автотранспорт бозори муваффақият қозонишига кўмаклашади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ МАЖЛИСИ

25 февраль куни Конституциявий суднинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 1996 йилда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб чиқиш натижалари кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, суд маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг икки мингдан зиёд ҳуқуқий ҳужжатларини таҳлил қилиб, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлади.

Давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан мослиги эътироф этилди. Улар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларини амалга оширишга, қонунларни, Президент фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажаришга қаратилган.

Шу билан бирга, ҳокимлар қабул қилган айрим ҳужжатлар Конституцияга мувофиқ эмас.

Чунончи, Сурхондарё вилояти ҳокимининг 1996 йил 15 августдаги «Сурхондарё» бадиий альбомини чиқариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисида»ги фармойишига биноан Денов акциядорлик пахта тозалаш корхонасининг мулк ҳуқуқи бузилган.

Конституциявий суд Хоразм вилояти ҳокимининг 1996 йил 11 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган низомнинг 2, 7- бандини Конституцияга зид деб топди. Низомга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига уларнинг фаолиятига хос бўлмаган вазифа юкланган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ҳокимлик таркибига кирмаслиги ҳисобга олинмаган. Улар ўз ҳудудида ижтимоий ва хўжалик вазифаларини «Фуқароларнинг ўзини ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ваколатларга мувофиқ мустақил ҳал этади.

Бир қатор вилоят ҳокимларининг фармойишлари билан судьялар мукофотланган, вилоят адлия бошқармалари ҳайъатларнинг аъзолари этиб тасдиқланган, ҳокимият ижроия органларининг турли комиссиялари таркибига киритилган. Ҳокимларнинг зътибори шунга қаратилдики, Конституциянинг 11 ва 106-моддаларига мувофиқ, судьялар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақилдирлар, шу сабабли уларнинг фаолиятига ҳокимликлар баҳо бериши мумкин эмас, худди шунингдек судьяларга ижро этиш ҳокимияти ўз вазифаларини юклаши қонуний эмас.

Норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатларни қабул қилишда ҳам камчиликлар бор.

Юқорида баён қилинганлар ва Конституциявий нормаларнинг бошқа бузилишлари тўғрисида тегишли давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар хабардор қилинди.

(ЎзА).

Фарғона вилояти бошоқли дон тайёрлаш топшириғини уч йилдан буён бажармай келмоқда. Ўтган йили бу соҳадаги топшириқни вилоят жамоа секторида 77 фоиз, Ёзёвон, Охунбобоев, Фарғона, Данғара ва Бағдод туманлари эса 60-70 фоиз бажардилар, холос.

ЙИЛ ЯКУНИ

АРОСАТДА ҚОЛГАН МУЛК

Ёзёвон туманида ғаллачилик ва чорвачилик нега ўгай соҳага айланди?

Мана, тўртинчи йилдирки, ёзёвонликлар пахтачилик билан бир қаторда ғаллачиликни ҳам йўлга қўйишга ҳаракат қилишяпти. Афсуски, фақат интилиш, иштиёқ билан иш битмас экан. Ҳар йили вилоят бўйича ғаллачиликда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳақида гап кетса ёзёвонликлар ҳам тилга олиб ўтилади. Чунки, ғаллачиликда туб бурилиш бошланганидан бери туманда бирор мақтовли иш қилингани йўқ.

Ўтган йили туманда 23 минг 620 тонна бошоқли дон етиштирилиши керак эди. Бу кўрсаткич 19 минг 984 тоннада қолиб кетди. Ҳосилдорлик ҳам кўзланганидан 8 центнер кам -- 29 центнерга етказилди, холос. Давлат буюртмасидагидан 1235 тонна кам -- 10970 тонна ғалла топширилди. Ун ишлаб чиқариш технологиясининг энг кам кўрсаткичлари бўйича ҳисоблаганда ҳам ёзёвонликлар давлатдан 900 тоннадан кўпроқ юқори сифатли ун қарз бўлиб қолдилар. Агар ҳозирги кунда туман бўйича ойига 220-250 тонна атрофида ун тарқатилаётганлигини ҳисобга олсак, буюртмадаги камомад туман аҳолисини бемалол 3-4 ой таъминлашга етарди.

Туман раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз, кондицияга етказилмаган уруғлар сепилгани, бунинг устига экиш ноябрь ойига қадар чўзилиб кетганлиги, табиий офатлар ҳосилга жиддий зарар етказганлигини рўкач қилишади. Лекин бу баҳоналарни супуриб ташлайдиган мисолларни туманнинг ўзидан ҳам бемалол топиш мумкин. Чунончи, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 1995 йилда 56 центнердан, ўтган йили эса 45,2 центнердан ҳосил олинди. «Чўлигулистон» «Шарқ юлдузи», Тошбоев номли жамоа хўжаликларида ҳам режадаги топшириқни уддалайдиган даражада ҳосил етиштириляпти. Лекин «Хонобод», Охунбобоев, Навоий номли жамоа хўжаликларида ҳосилдорлик 24-26 центнердан ошмаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Бу хўжаликларнинг раҳбарлари яхши ерларни пахтага ажратиб, ғаллани чўлда янги ўзлаштирилган қумли ерларга суришган. Уларнинг кўпчилиги ғаллачиликка пахтачиликдек эътибор бермай, ўгай соҳа сифатида қарашади.

Туманда ғалла етиштиришни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб бўлган шахсий томорқа эгалари, фермер хўжаликлари ҳар қандай шароитда ҳам юқори ҳосил олишяпти. Ўтган йили улар 695 гектар ерда деҳқончилик қилиб, 52 центнердан хирмон кўтаришди. Шахсий ер эгалари жами ғаллазорларнинг 10 фоизига яқин ерда деҳқончилик қилган ҳолда ялпи ҳосилнинг салкам 20 фоизини етказиб бердилар. Аваазбек Турғунов, Тоҳир Сиддиқов, Мўминжон Деҳқонов сингари ғаллакор оилаларнинг кўрсаткичи 60 центнерга етиб қолган. Наҳотки, уларнинг тажрибасини, дон етиштиришдаги кўп йиллик маҳоратларини туман бўйича ўрганиш, кенг ёйишнинг имконияти бўлмаса?!

Иккинчи секторни асосан жамоа хўжаликлари ташкил этади. Ўтган йили 11 та хўжаликдан 6 таси дон етиштириш ва давлатга сотиш режаларини уддалади. Ҳосилдорлик 31 центнерданга тўғри келди. Лекин бу бир йил аввалги кўрсаткичдан 6,4 центнер камлигини раҳбарларнинг эслагиси келмайди. Асосий юк айнан шу тармоққа тушишини раҳбарлар эътибордан соқит қилмасликлари зарур.

Туманнинг оёғига кишан бўлиб турган учинчи тармоққа мутлақо эътибор берилмасдан, ишлар ўлда-жўлда ташлаб қўйилган. Туман сарҳадида ўндан ортиқ вилоят ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликлари деҳқончилик қилади. Ўтган йили шу «узоқдан келиб ишлайдиган деҳқонлар» 291 гектар майдонга уруғ сепишган эди. Аранг 7 центнердан ҳосил йиғиштириб олинган. Пировард натижада бир арава келмайдиган буғдойни ортиб, шаҳарга равона бўлган вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси, сув иншоотлари қурилиш трести, «Сувоқова» илоҳ олисда -- Марказий Фарғонанинг қоқ ўртасида жойлашган. Хўжалик бундан ўн беш йил аввал дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган давлат хўжалиги сифатида ташкил этилган эди. Яъни, ғаллачилик хўжаликнинг асосий соҳаларидан бири ҳисобланади.

Чорвачилик комплексида 14 минг бош қорамолни парваришлаш учун бинолар ҳам, механизмлар ҳам етарли. Аммо жаҳон чорвачилигининг энг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этилган йирик комплексда бор-йўғи 400 бошга яқин қорамол бор. Бўрдоқи гўшти етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликда юз бош сигир ҳам парвариш қилиняпти. Уларнинг ҳар биридан қанчадан сут соғиб олинаётганини айтишга ҳам хижолат бўласан киши. Ҳар бош сигир ўртача бир литр атрофида сут бераяпти. Ана шу юз литр маҳсулотни Бағдоддаги қайта ишлаш корхонасига -- салкам 60 километр масофага етказиб беришга ҳар куни битта машина овора.

Хўжаликда чорвачиликни уддалай олишмаган экан балки, иккинчи соҳа, яъни дончиликни ўрнига қўйишган бўлса керак, дейишингиз мумкин. Афсуски, бу соҳадаги ишлар чорвачиликдаги аҳволдан ҳам бешбаттар. Ўтган йили хўжалик бўйича 507 гектар майдонга бошоқли дон экилди. Бу режадагидан 303 гектар кам. Ҳар гектар майдондан 26 центнер ўрнига зўрға 9,3 центнердан ҳосил олинган. Жавдар, арпа, сули ҳосилдорлиги эса сочилган уруғни қоплайдиган даражада ҳам бўлгани йўқ -- 2,7-4 центнердан ҳосил олинган, холос., Бундай деҳқончилик кимга керак?

Афсуски, хўжаликда ернинг шароити, сув таъминоти, тупроқ унумдорлигига қараб экинларни жойлаштириш, чўлда қандай экиндан яхши ҳосил олиш мумкинлиги ҳақида жиддий ўйлаб кўрилмаяпти. «Бор отангга, бор онангга» қабилида иш юритилиши туфайли не машаққатлар билан давлатга сотилган 316 тонна ғалладан 697 сўм даромад қилинган. Холбуки, хўжалик бўйича уруғлик сотиб олишга 731 минг сўм сарфланган экан. Ҳали биз 487 минг сўм минерал ўғитга, 230 минг сўм иш ҳақига, 200 минг сўм ёнилғига, 410 минг сўм автотранспорт ва амортизацияга кетган харажатларни бу ҳисобга киритганимиз йўқ. Фақат ғалла етиштиришнинг ўзига 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланибди. Ўринли савол туғилади: Уч сўм харжлаб, бир сўм фойда олиш кимга керак? Шундай иш юритиш билан кимнинг косаси оқаради?

Балки, хўжаликка қарашли 2 минг гектардан зиёд ҳайдалади-ган ер умуман деҳқончилик қилишга яроқсиздир? Ундай десак, хўжалик ўрамида истиқомат қилаётган 110 оила шоли ва полиз маҳсулотларини рисоладагидек етиштириб, тирикчиликларини қилишиб юришибди-ку. Бу ерда етиштириладиган тарвузнинг ширинлиги бутун водийга овоза бўлган. Шундай экан, ер суядиган, ширкумларга мос экинларни экиш фурсати етмадимикин?!

Тўғри ҳали ҳам хўжалик раҳбарлари экинларни вилоят ва тумандан бериладиган топшириқ бўйича жойлаштиришга мажбурлар. Лекин, ҳақиқий аҳвол тушунтирилса, бўлади-ку.

Аммо асосий иллат бошқа ёқда. Гап шундаки, бу хўжалик ҳанузгача давлат тасарруфидан чиқарилмаган, хусусийлаштирилмаган. Демак, мулк ҳамон эгасини топмай, аросатда ётипти. Шу боис ишлар ўлда-жўлда. Ким қандай эпласа шундай ризқини териб еб юрибди.

Бу йил хўжаликка 357 гектар майдондан 30,3 центнердан, жами 1080 тонна бошоқли дон топшириш режаси берилган. Ҳали хўжалик тарихида 10 центнерга етказиб ҳосил олингани йўқ. Топшириқ эса ундан уч марта ортиқ.

Шу ўринда режалаштириш ташкилотларига ҳам эътирозлар бор. Туман бўйича ўтган йили ҳосилдорлик 29 центнер бўлди. Бу йил ғалла майдонлари 790 гектар камайтирилиб, озуқа экинларига бўшатиб берилди. Лекин режа аввалгидек қолиб, ҳосилдорлик 40 центнер қилиб белгиланди. Ахир, бу йиллик режаларни атайлаб барбод қилиш деган гап эмасми?

Афтидан, вилоят, туман режалаштириш идоралари Ёзёвондаги вазиятни чуқур ўрганиб, ҳақиқий аҳволдан келиб чиқиб иш кўришлари керакка ўхшайди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.